

ОМИНА

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал, 1435, Сафар, 2-сон



**«СЕН: «ЁТУК ХУЖЖАТ АЛЛОХНИНГ ЎЗИДАДИР.
АГАР ХОҲЛАСА, ҲАММАНГИЗНИ ХИДОЯТГА СОЛАР ЭДИ»,
ДЕБ АЙТ» (149-ОЯТ).**

**«ОМИНА» ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИНИНГ
ХАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ:**

**ОДИНАХОН МУҲАММАД ЮСУФ
МУЯССАР ҚАҶОМОВА
ГЎЗАЛ ДАДАМУҲАМЕДОВА
ИРОДА АХМЕДОВА
НАЗОКАТ ҚОСИМОВА
ДИЛАФРУЗ ЮСУПОВА
ГУЛШОДА МЎМИНОВА
ЗАРНИГОР АҲМАДАЛИЕВА
УММУ МУҲАММАД БИЛОЛ**

ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛ:
muslimalar1@gmail.com



АНЪОМ СУРАСИ



وَمِنَ الْأَنْعَامِ حَمُولَةً وَفَرْشًا ۚ كَلُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعُوا
خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ ۚ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿١٤٢﴾

«Ва чорвалардан ҳаммолларини ва ерга ётқизиладиганларини (пай до қилди). Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан енглар ва шайтон изидан эргашманглар. Албатта, у сизларга очик-ойдин душмандир» (142-оят).

Ўтган оятларда мушриклар ўзларича ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқсиз, далил-ҳужжатсиз баъзи ҳайвонларни минишни, баъзиларининг гўштини ейишни ҳаром қилганлари айтилган эди. Аммо, аслини олганда, ҳайвонларни миниш ёки минмаслик, гўштини ейиш ёки емаслик ҳақидаги ҳукмни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина чиқаради. Чунки У Зот

«...чорвалардан ҳаммолларини ва ерга ётқизиладиганларини (пайдо қилди)».

Ундан бошқа ҳеч ким на юк кўтарадиган ва на гўшт бўладиган бирорта ҳайвонни йўқдан бор қила олмаган ва олмайди ҳам. Бинобарин, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзидан бошқа улар ҳақида ҳалол ёки ҳаром деб ҳукм чиқарадиган кимса йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Шунинг учун У Зот қуйидаги амрни қилди:

«Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан енглар ва шайтон изидан эргашманглар. Албатта, у сизларга очик-ойдин душмандир».

Чунки булар Аллоҳ яратган ва ризқ қилиб берган нарсалардир. Шайтон эса ҳеч нарсани яратмаган. Нима учун энди Аллоҳ таоло яратган ва ризқ қилиб берган нарсада Унинг амрини қўйиб, шайтоннинг айтганини қилиш керак экан?! Ҳолбуки, шайтон уларнинг очик-ойдин душмани-ку! Нима учун энди ўша очик-ойдин душманга эргашиб, унинг айтганини қиладилар?! Одамлар обдан ўйлаб кўрсинлар, ўша шайтонлар уларга нимани ҳаром қилмоқда? Унинг амалида, гапида бир оз бўлса-да, мантик борми ўзи? Келинг, унинг чорва ҳайвонларини ҳаром қилгани ҳақида бир тафаккур қилиб кўрайлик. Аслида Аллоҳ чорва ҳайвонларидан

Одамлар обдан ўйлаб кўрсинлар, ўша шайтонлар уларга нимани ҳаром қилмоқда? Унинг амалида, гапида бир оз бўлса-да, мантик борми ўзи? Келинг, унинг чорва ҳайвонларини ҳаром қилгани ҳақида бир тафаккур қилиб кўрайлик. Аслида Аллоҳ чорва ҳайвонларидан

ثَمَنِيَّةَ أَزْوَاجٍ مِّنَ الضَّأْنِ اثْنَيْنِ وَمِنَ الْمَعْزِ اثْنَيْنِ ۚ قُلْ
إِنَّ الدَّكْرَيْنِ حَرَمٌ أَمِ الْأُنثَيْنِ ۚ أَمَّا أَشْتَمَلَتْ عَلَيْهِ أَرْحَامُ الْأُنثَيْنِ ۖ

نَبِّئُونِي بِعِلْمٍ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٤٣﴾

«Саккиз жуфтни: қўйдан икки (жуфтни) ва эчкидан икки (жуфтни). «Иккала эркагини ҳаром қилдими, ёки иккала урғочисиними, ёхуд иккала урғочининг бачадонлари ўз ичига олган нарсаними?! Агар ростгўйлардан бўлсангиз, менга илмий равишда хабарини беринглар-чи», деб айт» (143-оят).

Араб тилида «анъом» деб номланган ҳайвонлар туркумини биз «чорва» деб таржима қилмоқдамиз. Аслида «анъом» деб туя, сигир, қўй ва эчкига айтилади. Уларни жуфт – бир эркак ва бир урғочи деб ҳисоб қилинса, саккизта бўлади. Ана ўша саккизта жуфт жумласидан:

«...кўйдан икки (жуфтни) ва эчкидан икки (жуфтни)» йўқдан бор қилди. Ҳар бир турдан бир эркак ва бир урғочи яратди. Аллоҳ яратган ҳайвонларни мушриклар, инсу жин шайтонлари ўзларича, ҳаром қилдик, дейишмоқда. Аллоҳ улардан:

«Иккала эркагини ҳаром қилдими, ёки иккала урғочисиними, ёхуд иккала урғочининг бачадонлари ўз ичига олган нарсаними?!» деб сўраяпти.

Буни ким билади? Кофирлар ўйламай-нетмай оғизларига келган нарсани гапиравердилар. Агар эс-хушларини йиғиб, бу гапларни ўйлаб кўрсалар, ўзлари ҳам уялиб қоладилар. Аввало, уларнинг бу гапларни айтишга умуман ҳақлари йўқ. Чунки улар мазкур ҳайвонларнинг битта тукини ҳам яратган эмаслар ва ярата олмайдилар ҳам. Уларга ҳеч ким бу ҳайвонларни ҳаром қилиш ҳуқуқини берган эмас. Қолаверса, қилган ишлари мантисиз, ҳеч бир ақлга тўғри келмайди, бирор илмга асосланган эмас. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло оятнинг охирида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хитобан:

«Агар ростгўйлардан бўлсангиз, менга илмий равишда хабарини беринглари-чи», деб айт», демоқда.

Бундай ишларда гумон-тахмин билан, ўзича иш тутиб бўлмайди. Балки ҳуқуқи бор тарафгина илм ила ҳукм чиқаради.

وَمِنَ الْأَيْلِ أُنثَيْنِ وَمِنَ الْبَقَرِ أُنثَيْنِ قُلْ أَلَذَّكَرَيْنِ حَرَّمَ
أَمِ الْأُنثَيَيْنِ أَمَّا اشْتَمَلَتْ عَلَيْهِ أَرْحَامُ الْأُنثَيَيْنِ أَمْ كُنْتُمْ
شُهَدَاءَ إِذْ وَصَّيْكُمْ اللَّهُ بِهَذَا فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ افْتَرَى عَلَى
اللَّهِ كَذِبًا لِيُضِلَّ النَّاسَ بِغَيْرِ عِلْمٍ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ

الظَّالِمِينَ ﴿١٤٤﴾

«Ва туядан иккитани, қорамолдан иккитани. «Иккала эркагини ҳаром қилдими, ёки иккала урғочисиними, ёхуд иккала урғочининг бачадонлари ўз ичига олган нарсаними?! Ёки Аллоҳ сизларга буни тавсия қилганда, шоҳид бўлиб турганмидингиз? Одамларни адаштириш учун илмсиз ҳолда

Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган кимсадан кўра золимроқ ким бор?! Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас», деб айт» (144-оят).

Эй мушриклар, сизлар туя ва қорамоллар ҳақида ҳам ҳаром ҳукмини чиқариб, буни Аллоҳга нисбат берган эдингиз. Ҳаққингиз бўлмай туриб, ҳаром ҳақида ҳукм чиқарганингиз бир гуноҳ ва ўзингизча чиқарган ҳукми Аллоҳга нисбат беришингиз янада улканроқ гуноҳ. Қани, айтингчи, агар сиз таъкидлаётгандек, Аллоҳ буларни ҳаром қилган бўлса,

«Иккала эркагини ҳаром қилдими, ёки иккала урғочисиними, ёхуд иккала урғочининг бачадонлари ўз ичига олган нарсаними?!»

Билмайсиз. Чунки гумон ва тахмин билан гапириб юргансиз.

«Ёки Аллоҳ сизларга буни тавсия қилганда, шоҳид бўлиб турганмидингиз?»

Шоҳид бўлсангиз, айтинг. Айта олмайсиз. Шоҳид бўлганингиз йўқ. Сиз қилган иш тахмин, гумон бўлиб, илмга таянмайди, Аллоҳга нисбатан тўқилган ёлғондир.

«Одамларни адаштириш учун илмсиз ҳолда Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган кимсадан кўра золимроқ ким бор?!»

Йўқ, албатта. Ундай одамлар дунёдаги энг золим одамлардир.

«Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас».

Чунки уларнинг ўзлари Аллоҳ кўрсатган ҳидоят йўлига юрмасдан, бузғунчилик қилдилар. Аллоҳ таолонинг якка Ўзига хос бўлган нарсаларнинг ҳалол ёки ҳаром эканини аниқлаб, ҳукм чиқариш ишига аралашдилар. Аллоҳ таолога нисбатан ёлғон тўқидилар. Энди зинҳор ва зинҳор ҳидоят йўлига юришларига Аллоҳ томонидан кўмак бўлмайди. Чунки уларнинг ўзлари орадаги ҳидоят ипларини уздилар.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло Ўзи қарор қилган нарсаларни баён қилади:

قُلْ لَا أُجِدُ فِي مَا أُوحِيَ إِلَيَّ مُحَرَّمًا عَلَى طَاعِمٍ يَطْعَمُهُ إِلَّا أَنْ يَكُونَ
مَيْتَةً أَوْ دَمًا مَسْفُوحًا أَوْ لَحْمَ خِنزِيرٍ فَإِنَّهُ رِجْسٌ أَوْ فِسْقًا أُهْلًا
لِغَيْرِ اللَّهِ بِهِ فَمَنْ اضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادٍ فَإِنَّ رَبَّكَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿١٤٥﴾

«Менга қилинган ваҳийда таомланувчи учун утаомланадиган нарсада ҳаром қилинган нарсани топмайман. Ўлимтик, ёки оқизилган қон, ёки тўнғиз гўшти – чунки у ифлосдир – ёхуд фиқс ила Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган бўлса, мустасно», деб айт. Кимки ҳузурланувчи ва тажовузкор бўлмаган ҳолда мажбур бўлса, албатта, Роббинг ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» (145-оят).

Яна Набий соллаллоху алайҳи васалламга хитоб бўлмоқда. Аллоҳ таоло Ўзи яратган экинлар ва чорваларни ҳаром қилишга журъат қилганларга ушбу ҳақиқатларни айтишни у зот соллаллоху алайҳи васалламга топширмоқда:

«Менга қилинган ваҳийда таомланувчи учун у таомланадиган нарсада ҳаром қилинган нарсани топмаяпман».

Яъни «Сиз ҳаром деб атаган нарсаларнинг бирортасини ҳам Аллоҳ ҳаром қилгани йўқ. Сиз ўзингизча бу нарсаларни ҳаром деб юрибсиз. Аллоҳ таоло менга ваҳий юбориб, нима ҳалол, нима ҳаром эканини баён қилди. Менга ваҳий орқали қилинган илоҳий баёнда истеъмомчи учун ҳаром қилинган нарса йўқ.

«Ўлимтик, ёки оқизилган қон, ёки тўнғиз гўшти – чунки у ифлосдир...»

Бу нарсалар бошқа оятларда ҳам батафсил баён қилинган. Ўзи ўлиб қолган ҳайвоннинг гўшти катта зарар бўлгани учун Аллоҳ таоло уни ҳаром қилган.

Шунингдек, ҳар қандай ҳайвондан оқизилган қон ҳам зарарли бўлиб, ҳаромдир.

Тўнғиз гўшти ҳам шу маънода ҳаром қилинган.

«...ёхуд фиққ ила Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган бўлса, мустасно».

Яъни ҳайвон Аллоҳдан ўзганинг номи билан сўйилса, фосиқлик – дин чегарасидан чиқиш бўлади, сўйилган гўшт ҳаром ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳаром аниқ бўлди. Аллоҳнинг амрига юраман, деган банда мазкур нарсаларни зинҳор-базинҳор истеъмом қилмаслиги керак. Аммо баъзи ҳолатларда истисно тариқасида ижозат берилади:

«Кимки ҳузурланувчи ва тажовузкор бўлмаган ҳолда мажбур бўлса, албатта, Роббинг ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир».

Ояти каримада қайд қилинган ҳолларга тушиб қолиб, ҳаром нарсаларни еган кишиларни Аллоҳ кечиради. Фақат мазкур ҳолда лаззатланиш учун истеъмом қилинмаслиги керак. Ўлимдан сақлаб қоладиган даражадан зиёд ҳам бўлмаслиги керак.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло яҳудийларга ҳаром қилган нарсалар ҳақида хабар келади:

وَعَلَى الَّذِينَ هَادُوا حَرَّمْنَا كُلَّ ذِي ظُفْرٍ وَمِنَ الْبَقَرِ وَالنَّعَمِ
حَرَّمْنَا عَلَيْهِمْ شُحُومَهُمَا إِلَّا مَا حَمَلَتْ ظُهُورُهُمَا أَوِ الْحَوَايَا أَوْ مَا
أَخْتَلَطَ بِعَظْمٍ ذَلِكَ جَزَيْنَاهُمْ بِبَغْيِهِمْ وَإِنَّا لَصَادِقُونَ ﴿١٥١﴾

«Ва яҳудийларга барча (бутун) туёқлиларни ҳаром қилдик. Мол ва қўйдан эса уларга ёғларини ҳаром қилдик.

Орқа ва ичакларидаги ёки суякка аралашган ёғлари мустасно. Бу уларга зулмлари учун берган жазоимиздир. Албатта, Биз ростгўймиз» (146-оят).

Демак, бу оятда зикр қилинган нарсалар фақат яҳудийларга хос бўлиб, улар қилган зулм эвазига Аллоҳ таоло томонидан жазо бўлиб келди. Бошқа қавмларга эса бу нарсалар ҳалолдир.

Оятда биз «(бутун) туёқли» деб таржима қилган сўзимиз, туёғи иккига ёки кўпга бўлинмаган ҳайвонлар, деган маънодадир. Бундай ҳайвонлар туя, туякуш, ўрдак ва шунга ўхшаш оёғидаги туёғи бутун (битта) бўлган ҳайвонлардир.

«Ва яҳудийларга барча (бутун) туёқлиларни ҳаром қилдик».

Аллоҳ таоло ана шундай ҳайвонларни яҳудийларга ҳаром қилган. Шунингдек,

«Мол ва қўйдан эса уларга ёғларини ҳаром қилдик. Орқа ва ичакларидаги ёки суякка аралашган ёғлари мустасно».

Аллоҳ таоло яҳудийларга мол ва қўйларнинг оятда истисно қилинганидан бошқа ёғларини ҳам ҳаром қилган.

«Бу уларга зулмлари учун берган жазоимиздир. Албатта, Биз ростгўймиз».

Демак, бандалар томонидан содир этилган зулм уларнинг ризки Аллоҳ таоло томонидан торайтирилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин экан.

Келаси ояти каримада Набий соллаллоху алайҳи васалламга қилинаётган хитоб яна давом этади.

فَإِنْ كَذَّبَكَ فَقُلِّ رَبِّكُمْ ذُو رَحْمَةٍ وَاسِعَةٍ وَلَا يُرْدُ بِأَسْفُهُ
عَنِ الْقَوْمِ الْمُجْرِمِينَ ﴿١٥٢﴾

«Агар сени ёлғончига чиқарсалар: «Роббингиз кенг раҳмат соҳибидир, аммо Унинг азоби жиноятчи қавмлардан қайтарилмас», деб айт» (147-оят).

Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳаммага Аллоҳ таолодан келган ваҳийни етказадилар. Агар кимлардир у зотни ёлғончига чиқарса, уларга

«Роббингиз кенг раҳмат соҳибидир, аммо Унинг азоби жиноятчи қавмлардан қайтарилмас», яъни «Унинг даргоҳи кенгдир, Унинг раҳмати яхшига ҳам, ёмонга ҳам баробар, куфр келтирганингизга қарамай, сизни азоблашга шопилмайди, аммо азоби муқаррар, азоби келганда, уни ҳеч ким қайтара олмайди» деган гапларни айтадилар.

Узоқ давом этган тортишув оқибатида ақлли гап топа олмай қолган мушрикларнинг ўзларини қандай тутишлари келаси оятда баён қилинади:

سَيَقُولُ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكْنَا وَلَا آبَاؤُنَا وَلَا حَرَمْنَا
مِنْ شَيْءٍ كَذَلِكَ كَذَّبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ حَتَّى ذَاقُوا بَأْسَنَا قُلْ هَلْ
عِنْدَكُمْ مِنْ عِلْمٍ فَتُخْرِجُوهُ لَنَا إِنْ تَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ أَنْتُمْ إِلَّا
تَخْرُصُونَ ﴿١٤٨﴾

«Хали ширк келтирганлар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганида, биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ширк келтирмас эдик ва бирор нарсани ҳаром қилмас эдик», дерлар. Улардан олдингилари ҳам азобимизни татигунларига қадар шу каби ёлғонга чиқариб турганлар. «Хузурингизда бизга чиқариб кўрсатадиган бирон илм – ҳужжат борми? Гумонга эргашмоқдасиз ва сизлар алжирамоқдасиз, холос», деб айт» (148-оят).

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло ҳақиқий илмий тортишув, баҳс давомида енгилиб қолган мушрик ва кофирларнинг энг сўнгида айтадиган гапларини келтирмоқда:

«Хали ширк келтирганлар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганида, биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ширк келтирмас эдик ва бирор нарсани ҳаром қилмас эдик», дерлар.

Хўш, уларнинг бу гаплари янги гапми? Йўқ, эски, сийқаси чиққан гап. Мантиксиз гап.

«Улардан олдингилари ҳам азобимизни татигунларига қадар шу каби ёлғонга чиқариб турганлар».

Шунингдек, улардан кейингилари ҳам шундай қиладилар. Улар ҳеч бир ишни Аллоҳнинг хоҳишидан ташқарида қилмаган эмишлар. Яъни агар Аллоҳ хоҳлаганида, ширк келтирмас, кофир бўлмас, гуноҳ қилмас эканлар. Шу билан улар ўзларини оқламоқчи бўладилар.

Хўш, уларнинг бу гапларига нима дейиш керак? Уларга ушбу гапларига яраша қуйидаги, Аллоҳ таоло Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ўргатган саволни бериш керак:

«Хузурингизда бизга чиқариб кўрсатадиган бирон илм – ҳужжат борми?»

Яъни, Аллоҳ сизларнинг ширк келтиришингизни, баъзи нарсаларни ҳаром деб эълон қилишингизни хоҳлаганини исбот қиладиган ҳужжатингиз борми? Аллоҳ Ўз бандаларидан нимани хоҳласа, очиқ-ойдин айтиб қўйган. Бандалар иймон келтиришларини хоҳлагани учун «Иймон келтиринглар», деган.

Кофир, мушрик бўлишларини хоҳламагани учун «Куфр келтирманглар, мушрик бўлманглар», деб қатъий ҳукм этган. Шунингдек, бандалари нимани қилишини хоҳласа, амр қилган, нималарни қилмаслигини хоҳласа, наҳий қилиб, қайтариб қўйган. Аллоҳнинг ҳамма хоҳишлари очиқ-ойдин, илмий собит нарсалардир. Аллоҳнинг хоҳиши ичида, ширк келтиринг, баъзи нарсаларни ўзингизча ҳаром қилинг, деган хоҳиш йўқ. Ёки, Менинг ғойиб, ҳеч ким билмайдиган хоҳишларимни излаб топиб, ўшанга амал қилинг, дегани ҳам йўқ. Аммо

«Гумонга эргашмоқдасиз ва сизлар алжирамоқдасиз, холос», деб айт».

قُلْ فَلِلَّهِ الْحُجَّةُ الْبَلِيغَةُ فَلَوْ شَاءَ لَهَدْنَاكُمْ أَجْمَعِينَ ﴿١٤٩﴾

«Сен: «Етук ҳужжат Аллоҳнинг Ўзидадир. Агар хоҳласа, ҳаммангизни ҳидоятга солар эди», деб айт» (149-оят).

Мушрикларнинг «Агар Аллоҳ хоҳласа, ширк келтирмас эдик» деган гапларини тасдиқловчи ҳеч қандай далил-ҳужжатлари йўқ экани аён бўлди. Аммо уларга қарши ва Аллоҳ таолонинг ҳақ экани ҳақидаги

«Етук ҳужжат Аллоҳнинг Ўзидадир».

Бу очиқ-ойдин ҳужжат ва далиллардир.

«Агар хоҳласа, ҳаммангизни ҳидоятга солар эди».

Шубҳасиз, Аллоҳ бунга қодир. Мисол учун, фаришталарни шундай қилиб яратди. Улар доимо итоаткор, исёнсиз табиат соҳиби қилиб яратилдилар. Лекин одамларни хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, ҳидоятга юрадиган қилиб яратишдан нима фойда бор? Аллоҳ таоло одамларга ҳидоят ва залолат йўлини кўрсатиб қўйди, ақл-идрок ва хоҳлаган йўлини танлаш ихтиёрини берди. Ана ўша ихтиёрга қараб ҳар бир инсон жазо ёки мукофот олади. Мушрик ва кофирлар ана ўша ёмон – залолат йўлини танлаганлардир. Улар ўша ихтиёрлари учун жазоларини оладилар.

Кейинги оятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга амр қилиб, мушрикларни шарият ҳукмларини чиқариш кимнинг ҳаққи эканига гувоҳ келтиришга чақиришни ўргатади:

قُلْ هَلْ هَلُمَّ شُهَدَاءَكُمْ الَّذِينَ يَشْهَدُونَ أَنَّ اللَّهَ حَرَّمَ هَذَا فَإِنْ شَهِدُوا
فَلَا تَشْهَدْ مَعَهُمْ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَالَّذِينَ لَا
يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ وَهُمْ بِرَبِّهِمْ يَعْدِلُونَ ﴿١٥٠﴾

«Сен: «Аллоҳ мана шуни ҳаром қилганига гувоҳлик берадиган гувоҳларингизни келтиринг», деб айт. Бас, агар гувоҳлик берсалар, сен улар ила гувоҳлик берма. Оятларимизни ёлғонга чиқарувчиларнинг ва охиратга иймон келтирмайдиганларнинг ҳавойи нафсларига эргашма. Улар Роббларига ширк келтирурлар» (150-оят).

Ушбу оятда ақийдавий ширк эмас, балки амалий ширк ҳақида сўз бормоқда. Эътиқод бўйича, Аллоҳнинг шериги, ўғил-қизи ёки хотини бор, деб ишонган одам кофиру мушрик бўлиши муқаррар. Бу ҳақда сура бошидан буён сўз юритиб келинмоқда. Аммо ушбу оятда эътиқод масаласи аралаштирилмай, айнан амалнинг ўзи ҳақида сўз бораяпти. Баъзи инсонлар Ислом ақийдаларига тўлиқ ишонишларини даъво қилишлари мумкин. Аммо амалга келганда, ҳамма ишни Аллоҳнинг шариати бўйича қилмаслиги ҳам мумкин. Унда ҳалиги одам кофиру мушрик бўлади.

Ана ўшандоқ ҳукмларни баён этиш учун нозил қилинган ушбу ояти кариманинг аввалида Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига хитоб қилиб, қуйидагиларни айтмоқда:

«Аллоҳ мана шуни», яъни аввалги оятларда мушриклар ўзларича ҳаром деб эълон қилган нарсаларни

«...ҳаром қилганига гувоҳлик берадиган гувоҳларингизни келтиринг», деб айт».

Баъзи нарсаларни ўзича ҳаром ёки ҳалол дейиш ҳам ширк. Унга амал қилиш ҳам ширк. Энди эса ўша мушрикларга «Сизлар ўзингизча бу нарсаларни ҳаром деб қўйиб, тагин буни Аллоҳга нисбат бермоқдасиз, яъни амал қилишга вожиб бўлган қонун, демоқдасиз». Бу жумлада «Аллоҳ ҳаром қилганини тасдиқловчи гувоҳларингиз борми? Агар бўлса, келтиринг» деган маъно бор.

«Бас, агар гувоҳлик берсалар, сен улар ила гувоҳлик берма».

«Чунки ўзларича бир нарсани ҳаром деб ҳукм чиқариб, Аллоҳга ширк келтиришга журъат этган мушриклар ёлғон гувоҳлик беришга ҳам журъат этишлари мумкин. Билиб қўйки, Аллоҳ ҳеч қачон улар айтган ҳукмни чиқармаган».

Кейинги жумлада ўзича ҳукм чиқариб, Аллоҳга амалий ширк келтираётган одамларга баҳо берилади ва уларга эргашмаслик амр қилинади:

«Оятларимизни ёлғонга чиқарувчиларнинг ва охиратга иймон келтирмайдиганларнинг ҳавойи нафсларига эргашма».

Дарҳақиқат, Аллоҳ Ўз оятларида баён қилган ҳукмларга қаноат қилмай, ўзларича «Бу ҳалол,

у ҳаром, ундай қилиш керак, бундай қилмаслик керак», деб ҳукм чиқарувчилар Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарувчи бўлмай, ким бўлади? Охиратга иймони бор одам Аллоҳ амр қилган нарса туриб, ўзича бошқа амал қилармиди? Бундай одамлар ўзларининг номаъқул ишлари ила Аллоҳ билан ҳукм талашаётган, яъни ҳокимиятда Аллоҳга шерик бўлишни даъво қилаётган бўлади. Уларнинг гапига юрганлар эса Аллоҳнинг айтганини қўйиб, мушрикнинг айтганига амал қилган ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло уларнинг ҳавойи нафсига эргашмасликка амр этмоқда. Сўнгра улар ҳақидаги охириги ҳукмни ҳам эълон қилмоқда.

«Улар Роббларига ширк келтирурлар».

Яъни уларнинг ҳалол ва ҳаромни ўзларича тайин қилишлари Аллоҳга ширк келтиришларидир.

Келгуси оятда Аллоҳ Ўзи ҳақиқатда ҳаром қилган нарсаларни баён қилади:

﴿قُلْ تَعَالَوْا أَتْلُ مَا حَرَّمَ رَبِّيَ عَلَيْكُمْ أَلَّا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ مِنْ إِمْلَاقٍ تَحْنُ نَزْفُكُمْ وَإِيَّاهُمْ وَلَا تَقْرَبُوا الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطْنٌ وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ ذَلِكَمْ وَصَّيْتُكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

«Айтгин: «Келинг, Роббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб бераман: «Унга ҳеч нарсани ширк келтирманг! Ота-онага яхшилик қилинг! Фақирликдан (кўрқиб) болаларингизни ўлдирманг. Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз. Фахш ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашманг. Аллоҳ ҳаром қилган жонни ўлдирманг. Ҳақ ила бўлса, мустасно. Ушбуларни сизга тавсия қилдикки, шояд, ақл юритсангиз» (151-оят).

Аввалги оятларда чорва ҳайвонлари ва баъзи экинларнинг ҳаром қилиниши ҳақида гап кетган бўлса ҳам, бу оятда асосий ҳукмга, яъни асосга қайтилмоқда. Ҳамма ноқулайликларнинг сарчашмаси бўлган ширк – Аллоҳга ширк келтириш масаласи кўтарилмоқда. Аллоҳга ширк келтириш йўқолмас экан, бунга ўхшаш масалалар чиқаверади. Ояти кариманинг аввалида эътиборни ўзига тортиб:

«Келинг, Роббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб бераман», дейилмоқда.

«Робб» сўзини баъзида «Парвардигор», баъзида «Тарбиякунанда» деб таржима қиламиз. Бу икки сўз ҳам форсча бўлиб, «Тарбиячи» маъносини англатади. Аммо арабча «Робб» сўзи «тарбиячи» маъносидан ташқари, «бошлик», «йўлловчи» ва «хукм чиқарувчи» деган маъноларни ҳам ифода этади. Оятда:

«Роббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни», дейилмоқда. Демак, кишиларга бирор нарсани ҳаром қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун тарбиячи, бошлик, йўлловчи ва ҳокимлик сифатларини ўзида жамлаган Робб – Аллоҳ бўлиш керак экан. Ундан бошқа ҳеч қандай зот бирор нарсани ҳаром қилиш, ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Хўш, ўша ҳаққа эга бўлган Зот қандай ҳукм чиқарган?

«Унга ҳеч нарсани ширк келтирманг!»

Умумий қоида шу. Ширк – улкан зулм. Қолган барча гуноҳлар шундан келиб чиқади. Шунинг учун Аллоҳ таоло ҳамма гуноҳларни кечса ҳам, ширкни кечирмаслигини очиқ-ойдин айтиб қўйган. Аллоҳ таолога акийдада ҳам, ибодатда ҳам, амалда ҳам ширк келтирмаслик вожиб. Мўмин-мусулмон одам ягона Аллоҳнинг борлигига ва Унинг баркамол сифатларига эътиқод қилади. Ибодатни фақат Унга қилиб, «Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ», дейди. Ҳамда дунёдаги ҳамма тасарруфини ягона Робб – Аллоҳнинг кўрсатмасига биноан олиб боради. Ушбу умумий қоидадан келиб чиқиб, бошқа ишлар ҳам мувофиқлашади.

«Ота-онага яхшилик қилинг!»

«Аллоҳга ширк келтирмай, Унинг тавҳидига амал қилганингиздан кейинги ишингиз ота-онага яхшилик қилиш бўлсин. Оилавий алоқаларни яхшиланг. Шунингдек, болаларингизга ҳам яхшилик қилинг».

«Фақирликдан (кўркиб) болаларингизни ўлдирманг. Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз».

Робб сифатига эга бўлган Зот учун бу иш ҳеч қандай оғирлик туғдирмайди.

«Фаҳш ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашманг».

Урфда «фаҳш, фаҳш иш» деганда, маълум гуноҳ – зино тушуниладиган бўлиб қолган. Аммо, аслида ҳар бир чегарадан чиқиш – ҳаддан ошиш фаҳш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир гуноҳ фаҳшдир. Мўмин-мусулмон нафақат фаҳш, бузуқ ишларни қилмаслиги, балки уларнинг яқинига ҳам бормаслиги керак. Чунки яқинига борганда, уни қилиш хавфи кучаяди.

«Аллоҳ ҳаром қилган жонни ўлдирманг. Ҳақ ила бўлса, мустасно».

Аввалги жумлада очликдан кўркиб, болаларини ўлдириш ман қилинган эди. Энди эса ҳар қандай жонни ўлдирмасликка амр қилинмоқда.

«Ҳақ ила бўлса, мустасно», деб истисно қилинганларни шариатда ўлдиришга рухсат берилгандир. Яъни қотилга – қасос учун, муртадга – Исломдан қайтиб, бошқа динга киргани учун, зинокорга – оилали бўла туриб, зино қилгани учун шариат ҳукми ила ўлим жазоси берилади. Аммо ҳукми Ислом ҳукумати чиқаради ва ижро этади. Ҳеч бир кимса ўзича қасос олиши ва ҳукм чиқариб, уни ижро этиши мумкин эмас.

«Ушбуларни сизга тавсия қилдикки, шояд, ақл юритсангиз».

Ақл юритиш зарурий бўлганидан шундай дейилмоқда. Ақл юритган одамгина ҳамма нарсани яратган Зот, борлиқ оламнинг Робби бўлган Зотгина ушбу ва шунга ўхшаш ҳукмларни чиқаришга ҳақли эканини англаб этади.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло бандаларга ширк келтирмасдан, ўзи билан, шунингдек, ота-оналари ва фарзандлари билан алоқани яхшилашлари лозимлигини, ҳеч қандай гуноҳга яқинлашмасликларини баён қилди. Келаси оятда эса яна тўртта муҳим масалани зикр этади:

وَلَا تَقْرُبُوا مَالَ الْيَتِيمِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُ وَأَوْفُوا
الْكَيْلَ وَالْمِيزَانَ بِالْقِسْطِ لَا تَكْلِفُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا وَإِذَا قُلْتُمْ
فَاعْدِلُوا وَلَوْ كَانَ ذَا قُرْبَىٰ وَبِعَهْدِ اللَّهِ أَوْفُوا ذَٰلِكُمْ وَصَّيْنَاكُمْ بِهِ
لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٥٢﴾

«Етимнинг молига то вояга етгунича, яқинлашманг. Яхшилик билан бўлса, мустасно. Ўлчов ва тарозини адолат ила тўлиқ адо этинг. Ҳеч бир жонга имкониятидан ташқари нарсани юкламаймиз. Агар гапирсангиз, қариндошингиз бўлса ҳам, адолат қилинг. Аллоҳнинг аҳдига вафо қилинг. Ушбуларни сизга тавсия қилдикки, шояд, эслатма олсангиз» (152-оят).

Етимнинг молини ейиш ижтимоий алоқаларни бузишдир. Етим заифҳол бўлгани учун жамият уни ҳимоя қилиши керак. Етимнинг молини ноҳақ еган одам унинг ҳаққига зулм қилган бўлади, шу билан бирга, жамиятнинг ҳаққига ҳам зулм қилади. Чунки молсиз қолган етимни энди жамият боқиши керак бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам етимни қарамоғига олган одам унинг молига яқинлашиши мумкин эмас. Агар яхши йўл билан бўлса, ўша молни ўстириш учун, кўпайтириб, вояга етганда унинг қўлига топшириш учун яқинлашса, майли.

«Ўлчов ва тарозини адолат ила тўлиқ адо этинг».

Бу ҳам ижтимоий алоқаларни яхшилаш, бировнинг ҳаққини емаслик йўлида кўрилган чора. Олди-берди вақтида ўлчаб берилган бировнинг ҳаққини ейиш ҳаром. Тарозида тортиладиган нарсаларни қинғир тортиб, бировнинг ҳаққини емоқ ҳам ҳаром.

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлчов ва тарози билан ишлайдиганларга: «Сизлар ўзингиздан олдинги умматларнинг ҳалокатига сабаб бўлган ишни олгансизлар», деганлар.

Бу ишда жуда ҳам адолатли бўлиш зарурлиги бошқа ояти карималар ва ҳадиси шарифларда ҳам таъкидланган.

«Ҳеч бир жонга имкониятидан ташқари нарсани юкламаймиз».

Ақийда бобида, ибодат ва муомала бобида ҳам қоида шу. Ўлчов ва тарозида адолатли бўлиш ҳеч кимга ҳеч қандай оғирлик туғдирмайди.

«Агар гапирсангиз, қариндошингиз бўлса ҳам, адолат қилинг».

Мўмин-мусулмон одам доимо Аллоҳнинг амрига мувофиқ иш олиб бориши зарур. Бу эса унинг доимо адолат ила гапириши лозимлигини тақозо қилади. Шунинг учун ҳақиқий мусулмон инсоний заифликка бориб, қариндошларига ноҳақ ён босишга имкон бермайди. Адолат Аллоҳнинг амри бўлиб, барча унинг олдида баробар. Бир ҳукмда қариндошга бир хил, бошқага ўзгача муомала қилиш мумкин эмас. Бундай ҳолни фақат мусулмонларгина ҳаётга татбиқ қилганлар, холос. Бошқалар адолат ҳақида ҳар қанча сафсата сотсалар ҳам, нари борганда, нисбий, яъни ўз яқинлари ва ўз тоифасига нисбатангина адолатли бўла олади.

«Аллоҳнинг аҳдига вафо қилинг».

Аллоҳга берган аҳдда ушбу оятларда зикр қилинаётган ҳодисалар, жумладан, қариндошга бўлса-да, адолат қилиш, ўлчов ва тарозини адолат билан адо этиш, ноҳақ одам ўлдирмаслик, Аллоҳга ширк келтирмаслик ва бошқалар бор.

وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَتَّبِعُوا السُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ
عَنْ سَبِيلِهِ ذَلِكُمْ وَصَّاكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٥٣﴾

«Албатта, бу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашинг. Ва бошқа йўлларга эргашмангки, сизни Унинг йўлидан ажратурлар. Ушбуларни сизга тавсия қилдикки, шояд, тақво қилсангиз» (153-оят).

Дунёдаги ягона тўғри йўл – Аллоҳнинг йўли. Инсон эргашмоғи лозим бўлган бирдан-бир йўл – шу йўл. Ундан бошқа йўлларнинг ҳаммаси нотўғри йўллардир. Ким уларга ёки улардан бирортасига юрса, адашади. Нотўғри йўлга юрганлар Аллоҳнинг йўлидан адашган бўлади. Аллоҳ таолонинг ушбу нарсаларни бажаришга ҳукм қилиши ҳам бандалар тақво қилиб, тўғри йўлни топишлари учундир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху айтадилар:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўллари билан бир чизик чиздилар-да, сўнгра:

«Бу Аллоҳнинг тўғри йўли, – дедилар. Кейин ўнг ва чап томонларидан чизик чизиб туриб: – Мана бу йўлларнинг ҳар бирининг бошида унга чақириб турадиган шайтон бор, – дедилар. Сўнг «Албатта, бу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашинг. Ва бошқа йўлларга эргашмангки, сизни Унинг йўлидан ажратурлар» оятини тиловат қилдилар».

Аммо бу тўғри йўл фақат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг умматларига берилган эмас, балки ундан олдинги пайғамбарларга, жумладан, Мусо алайҳиссаломга ҳам берилган.

«Тафсири Ҳилол» китобидан олинди.

РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ АЁЛЛАРГА МУОМАЛАЛАРИ

Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Бакр розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириш учун келганларида, одамлар у зот соллаллоху алайҳи васалламнинг эшиклари олдида туришган эди. Пай-ғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ичкарида ўтирган эдилар. Абу Бакр розияллоху анхуга изн берилмади. Сўнгра Умар розияллоху анху келди. Изн сўрадилар, унга ҳам изн берилмади. Кейин Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумоларга изн берилди, улар ичкарига кирдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам жим ўтирардилар. Умар розияллоху анху (ўзича) бир гап қилай, шояд, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам хурсанд бўлсалар, деб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Зайднинг қизи (Ҳазрати Умарнинг хотини) ҳозиргина мендан нафақа сўраган эди, бўйнига боплаб туширдим!» дедилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам кулиб юбордилар, тишлари кўриниб кетди. Сўнгра:

«Манавилар ҳам атрофимни ўраб олиб, нафақа сўрашмоқда», дедилар. Абу Бакр розияллоху анху Оишани ургани ўринларидан турдилар. Умар розияллоху анху Ҳафсани ургани турдилар. Икковлари ҳам:

«Расулуллоҳдан у кишининг ҳузурларида йўқ нарсани талаб қиласизларми?» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам уларни қайтардилар. Шундан сўнг «хиёр» деб номланган ушбу икки оят нозил бўлди:

«Эй Набий, жуфти ҳалолларингга: «Агар бу дунё ҳаётини ва унинг зийнاتини ирода қилсангиз, келинглар, сизларни баҳраманд қилай ва чиройли бўшатиш ила бўшатиб қўяй», деб айт.

Яъни, ҳаёти дунё матоҳларидан керагини берай-да, сизларни талоқ қилай.

«Агар Аллоҳни ва Унинг Расулини ва охират диёрини ирода қиладиган бўлсангиз, бас, албатта, Аллоҳ сизлардан гўзал амал қилгувчиларга улуғ ажрни тайёрлаб қўйган», деб айт.»

Ушбу икки оятдаги буйруққа биноан, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳар бир аёлларига ёки бу дунё ҳаёти ва унинг зийнاتини, ёки Аллоҳ, Унинг Расули ва охиратни ихтиёр қилишини сўраб чиқишлари керак эди. У зоти бобаракот бу ишни Оиша онамиздан бошладилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Оиша онамизга:

«Мен сенга бир ишни айтаман. Шошилмасдан, ота-онанг билан маслаҳат қилиб жавоб бергин», дедилар. Оиша онамиз: «У қандай нарса?» дедилар.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам:

«Эй Набий, жуфти ҳалолларингга...» оятини ўқиб бердилар. Оиша онамиз:

«Сиз ҳақингизда ота-онам билан маслаҳат қиламанми?! Йўқ! Мен Аллоҳни ва Унинг Расулини ихтиёр қиламан. Сиздан илтимос, нимани ихтиёр қилганимни бошқа хотинларингизга айтмасангиз», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таоло мени қўпол қилиб эмас, муаллим ва енгиллатувчи қилиб юборган, улардан ким сенинг нимани ихтиёр қилганингни сўраса, айтиб бераман», дедилар.

Кейин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам барча жуфти ҳалолларига икки ихтиёрдан бирини танлашга изн бердилар, ҳаммалари Оиша онамиз танлаган нарсани танладилар».

Муслим ривоят қилган.

Юқоридаги оятдаги буйруққа биноан Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳар бир аёлларидан ёки бу дунё ҳаёти ва унинг зийнاتини, ёки Аллоҳ, Унинг Расули ва охиратни ихтиёр қилишни сўраб чиқишлари керак эди. Бу ишни У зоти бобаракот Оиша онамиздан бошладилар. Кейин барча оналаримиздан сўраб чиқдилар. Барча оналаримиз Оиша онамиз танлаган нарсани танладилар.

Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ўзларининг баъзи аёллари ҳузурда эдилар. Мўминларнинг оналаридан бирлари бир идишга таом солиб, ўз ходимларидан юбордилар. Бас, у (аёл) идишни қўли билан уриб синдирди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам идишнинг икки бўлагини бир-бирига қўшиб жамлаб, унга таомни йиға бошладилар ва: «Онангиз рашк қилди, енглар», дедилар.

Улар то у (аёл)нинг идиши келгунча едилар. У зот «Енглар», деб, хизматчини ҳам, идишни ҳам тутиб турдилар. Улар (таом ейишдан) фориғ бўлганларида бутун идишни хизматчига бердилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган. Ушбу лафз Абу Довудники.

Оналаримиз орасида рашк бўлмаган, деган киши инсоний табиатни инкор қилган бўламиз. Оналаримиз орасидаги рашк масаласида ҳам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қўполлик қилмасдан, адолат билан тарбия берар эдилар.

Саъд ибн Ваққос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Умар Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига киришга изн сўради. У зотнинг ҳузурларида қурайшлик аёллар бор эди. Улар у зот билан гаплашиб, гапни кўпайтириб, овозларини у зотнинг овозларидан баланд кўтараётган эдилар. Умар изн сўраганда шошиб туриб, ҳижобларига ёпишишди. У зот унга изн бердилар. У кирди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кулаётган эдилар. Бас, Умар:

«Аллоҳ сизни кулдирсин, эй Аллоҳнинг Расули», деди.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Анави менинг ҳузуримда бўлганлардан ажабландим. Сенинг овозингни эшитишлари билан ҳижобларига ёпишишди», дедилар. Умар:

«Уларнинг ҳайқишига сиз ҳақлироқсиз, эй Аллоҳнинг Расули», деди ва (сўзида давом этиб,) уларга:

«Эй ўзига ўзи душманлар! Мендан ҳайқасизлар-у, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан ҳайқмайсизларми?!» деди. Улар:

«Сен кўрс ва қўполсан», дедилар.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Етар, эй Ибн Хаттоб! Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, шайтон бир йўлда кетаётиб, сени учратиб қолса, албатта, сенинг йўлингдан бошқа йўлга ўтиб олади», дедилар».

Икки Шайх ривоят қилганлар.

Бунга ўхшаш ривоятларни яна келтириш мумкин. Уларнинг барчасида Набийимиз соллаллоху алайҳи васаллам аёлларининг ҳолатини эътиборга олиб, уларга лутф кўрсатаётганликларини кўрамыз.

Давоми бор.

Ҳадислар

«РАСУЛУЛЛОҲ соллаллоху алайҳи васаллам» номли китобдан олинди.

АЛЛОҲ СУБҲАНАҲУ ВА ТАОЛОГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ ҲАҚИДА

(Боши ўтган сонда)

САВОЛ: Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг қадимлигига эътиқод қилиш қандай бўлади?

ЖАВОБ: Бу – Аллоҳни қадим деб эътиқод қилишимиздир. Яъни У Зот ҳамма нарсдан аввал бор бўлган. У Зот бирор вақт йўқ бўлмаган. Мавжудлигининг аввали йўқдир.

САВОЛ: Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг бақосига эътиқод қилиш қандай бўлади?

ЖАВОБ: Бу – Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг боқий деб эътиқод қилишимиздир. Бақосининг ниҳояси йўқдир ва У асло завоқ топмайди. У Зот ҳеч қачон йўқ бўлмайди.

САВОЛ: Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ҳодисларга, яъни халқ қилинган нарсаларга (махлуқотларга) ўхшамаслигига эътиқод қилиш қандай бўлади?

ЖАВОБ: Бу – ҳеч нарса Аллоҳ таолога ўхшамайди, зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, деб эътиқод қилишимиздир.

САВОЛ: Субҳанаҳу ва таолонинг Зоти ҳодисларга ўхшамаслигига эътиқод қилиш қандай бўлади?

ЖАВОБ: Бу – Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Зоти махлуқотлардан бирор нарсага ҳеч қандай кўринишда ўхшамайди, деб эътиқод қилишимиздир. Сен кўрадиган ёки ақлингга келадиган нарсаларнинг бирортаси ҳам Аллоҳ каби эмасдир.

«У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир»

(Шууро сураси, 11-оят).

САВОЛ: Субҳанаҳу ва таолонинг сифатлари ҳодисларнинг сифатларига ўхшамаслигига эътиқод қилиш қандай бўлади?

ЖАВОБ: Бу – Аллоҳ таолонинг илми бизнинг илмимизга, қудрати бизнинг қудратимизга, иродаси бизнинг иродамизга, ҳаёти бизнинг ҳаётимизга, эшитиши бизнинг эшитишимизга, кўриши бизнинг кўришимизга, сўзи бизнинг сўзимизга ўхшамайди, деб эътиқод қилишимиздир.

САВОЛ: Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ишлари ҳодисларнинг ишларига ўхшамаслигига эътиқод қилиш қандай бўлади?

ЖАВОБ: Бу – Мавло субҳанаҳу ва таолонинг ишлари мавжудотлардан бирор нарсанинг ишларига ўхшамайди, деб эътиқод қилишимиздир. Чунки Мавло субҳанаҳу ва таоло ишларни воситасиз ва иш қуролисиз қилади. **«Қачон бирон нарсани ирода қилса, Унинг иши «Бўл!» демоғи, холос. Бас, у нарса бўлур»** (Ёсин сураси, 82-оят). У Зот бирор нарсани унга эҳтиёжи бўлганидан қилмайди. У Зот бирор нарсани бекор, яъни фойдасиз қилмайди. Чунки Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳақим Зотдир. У Зот: **«Унинг Ўзи ўта ҳикматлидир, ўта билувчидир»**, деган (Зарият сураси, 30-оят).

*Шайх Зоҳир ибн Солиҳ Жазоирий
«Ал жаваҳирул каламия
фи ийзоҳил ақийдатил исламия»
китобидан олинди.*



НОДУРУСТ НИКОҲЛАР



Қуйидаги никоҳлар дуруст бўлмайди: ўз чўрисини никоҳига олиш, ўз хонимига уйланиш, китобий бўлмаган кофир аёлга, хур учун тўртинчи, қул учун иккинчи аёлининг иддасида яна уйланиш, хур аёлнинг устига ёки унинг иддасида чўрини олиш, ҳомиласининг насаби собит бўлган ҳомиладорга уйланиш, мутъа ва муваққат никоҳлар.

Бу жумлада саккиз хил никоҳ дуруст эмаслиги ҳақида сўз бормоқда.

1. Ўз чўрисини никоҳига олиш.

Чунки никоҳига олмай туриб ҳам чўридан хотин ўрнида ҳузурланиш мумкин. Уни ўзига никоҳлаб олиш билан бу борада янгилик юз бермайди. Аммо чўрини озод қилиб, кейин никоҳлаб олса, савоб бўлади.

2. Ўз хожа хонимига уйланиш.

Яъни қулнинг ўз хожасига уйланиши ҳам дуруст эмас. Чунки бунда қул ўз эгаси бўлган аёлдан эр хотинидан талаб қилиши мумкин бўлган нарсаларни талаб қила олмайди. Натижада никоҳдан кўзда тутилган самараларга эришилмайди.

3. Китобий бўлмаган кофир аёлга уйланиш.

Яъни мусулмон эркак самовий динга эътиқод қилмайдиган аёлга уйланиши дуруст эмас.

Бу ҳукм мусулмон киши учун муслима, масиҳия ва яҳудия аёлдан бошқа аёлга уйланиш мумкин эмаслигини билдиради. «Самовий дин» деганда, Ислом, масиҳий ва яҳудий динлари тушунилади. Бинобарин, мусулмон эркак учун муслима, масиҳия ва яҳудия аёлдан бошқа ҳар қандай аёл никоҳ маъносида ҳаром ҳисобланади. Шунингдек, Исломдан юз ўгирган муртад аёлга ҳам уйланиб бўлмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мушрика аёлларга то улар иймонга келмагунларича, уйланмасликни мусулмонларга қаттиқ тайинлаган. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло мушриклар билан никоҳ алоқасини ўрнатмаслик ҳақидаги амр келган оятдан кейинги оятда:

«Анавилар ўт-оловга чақирарлар», деган (Бақара сураси, 221-оят).

Аллоҳ таоло бундай дейди:

«Мушрикаларни иймон келтирмагунларича никоҳингизга олманг. Шубҳасиз, мўмина чўри мушрикадан, гарчи у сизни қизиқтирса ҳам, яхшидир. Ва мушриклар иймонга келмагунларича, уларга никоҳлаб берманг. Шубҳасиз, мўмин қул мушрикдан, гарчи у сизни қизиқтирса ҳам, яхшидир», деган (Бақара сураси, 221-оят).

Шунга биноан, масиҳий ва яҳудий динидан бошқа диндаги аёлларга уйланиб бўлмайди. Фақат у аёллар иймонга келиб, мусулмон бўлсаларгина, уларга уйланиш мумкин.

Агар ғайридин аёлнинг ота-онасидан бири аҳли китобдан, иккинчиси аҳли ширк ёки динсизлардан бўлса ҳам, у аёлга уйланиб бўлмайди.

4. Хур учун тўртинчи, қул учун иккинчи аёлининг иддасида яна уйланиш.

Хур эркакка бир вақтнинг ўзида тўрт хотинни, қул эркакка икки хотинни ушлаб туришга рухсат берилган. Хур бешинчи ва қул учинчи хотинга уйланиши мумкин эмас. Аммо хур тўртта хотинидан бирини, қул иккита хотинидан бирини талоқ қилган бўлса ва ҳали хотиннинг иддаси чиқмаган бўлса, улар яна янги хотинга уйланишлари мумкин эмас. Чунки иддада ўтирган хотин ҳали эрининг измидан чиқмаган бўлади.

5. Хур аёлнинг устига ёки унинг иддасида чўрини олиш.

رَوَى ابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ عَنِ الْحَسَنِ قَالَ: تَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ تُتَكَحَّ الْأُمَةُ عَلَى الْحُرَّةِ

Ибн Абу Шайба ва Абдулраззоқ Ҳасан розияллоху анҳудан қилган ривоятда:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам хур аёлнинг устига чўрини никоҳлаб олишдан наҳйи қилдилар», дейилган.

6. Ҳомиласининг насаби собит бўлган ҳомилдорга уйланиш.

Бу гап ҳам тарихга айланиб қолган гаплардан. Агар ғайридин аёллардан бирортаси асир олинган ёки ҳижрат қилиб келган бўлса ва ҳомиласининг насаби собит бўлса, боласини тукқунича уни никоҳлаб бўлмайди.

7. Мутъа.

«Мутъа» сўзи луғатда «ҳузурланиш» маъносини билдиради. Шариатда эса фақат жинсий ҳузурланиш мақсадида вақтинчалик уйланишга айтилади. Мутъа никоҳида бир ҳафта, бир ой, бир йил каби маълум муддатга келишиб уйланилади. Бу никоҳ ҳам Ислом таълимотларига зид бўлгани учун ҳаром қилингандир. Лекин бу масала бир оз шарҳга муҳтож.

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَهَى عَنِ الْمُتَعَةِ وَعَنْ حُومِ الْحُمْرِ الْأَهْلِيَّةِ يَوْمَ خَيْبَرَ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Хайбар куни мутъадан ва хонаки эшакларнинг гўшtidан наҳйи қилдилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

وَقَالَ سَلَمَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: رَخَّصَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ أُوطَاسٍ فِي الْمُتَعَةِ ثَلَاثًا ثُمَّ تَهَى عَنْهَا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Салама розияллоху анҳу айтадилар:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Автос йили уч кунга мутъага рухсат бердилар, сўнгра наҳйи қилдилар».

Муслим ривоят қилган.

Макка фатҳидан кейин бошланган Ҳунайн ғазоти Автос деган жойда тамом бўлган. Урушдан қочган ҳавазонлик мушрикларни мусулмонлар Автосда тор-мор қилганлар. Бу ҳодиса ҳижрий саккизинчи йилда бўлиб ўтган. Ўша пайтда зарурат юзасидан Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам маълум муддатга мутъа никоҳига рухсат бериб туриб, сўнг яна ман қилганлар. Демак, бу иш вазиятга қараб, фақат зарурат юзасидан қилинган.

عَنْ سَبْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَائِمًا بَيْنَ الرَّكْنِ وَالْبَابِ وَهُوَ يَقُولُ: أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي قَدْ كُنْتُ أَذِنْتُ لَكُمْ فِي الْأَسْتِمْتَاعِ مِنَ النِّسَاءِ وَإِنَّ اللَّهَ قَدْ حَرَّمَ ذَلِكَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ فَمَنْ كَانَ عِنْدَهُ مِنْهُنَّ شَيْءٌ فَلْيُخْلِ سَبِيلَهُ وَلَا تَأْخُذُوا بِمَا آتَيْتُمُوهُنَّ شَيْئًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Сабра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг руқн билан эшик орасида тик туриб: «Эй одамлар! Мен сизларга аёлларнинг мутъасига изн берган эдим. Энди, албатта, Аллоху нарсани қиёмат кунигача ҳаром қилди. Кимнинг ҳузурда ўшандай(аёл)лардан бўлса, йўлини очиб қўйсин. Уларга берган нарсаларингиздан бирор нарса олманглар», деяётганларини кўрдим».

Муслим, Абу Довуд ва Насайй ривоят қилишган.

Ушбу ривоятда зикр қилинаётган ҳодиса Видолашув ҳажидида содир бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Каъбаи Муаззаманинг эшиги билан Ҳажарул-Асваднинг бурчаги орасида туриб, кишиларга мутъа никоҳи абадий, қиёмат кунигача ҳаром қилинганини эълон қилганлар.

Шу кундан бошлаб мутъа никоҳи тўла ва қатъий равишда ҳаром бўлган. Ўша кунда кимнинг ҳузурда мутъа никоҳи ила келган хотин бўлса, берган маҳридан ҳеч нарсани қайтариб олмай, унга жавоб бериб юбориш лозим бўлган.

Ушбу масалада келган ривоятларни жамлаб ўрганадиган бўлсак, аста-секин, даражама-даража иш тутулиб, кишиларни тутуриқсиз жинсий ҳаётдан ҳалол-пок никоҳли ҳаётга олиб чиқилганини кўрамиз. Биринчи босқичда мутъа никоҳи жорий қилиниб, иш бир оз тартибга солинган. Иккинчи босқичда фақат зарур, ноилож пайтлардагина рухсат берилиб, бу доира ҳам торайтирилган. Учинчи босқичда эса шароитлар яхшиланиб, ҳамма нарса жойига тушиб, тушунтириш ишлари ҳам охирига етганидан кейин мутъа никоҳи ҳам ҳаром қилинган. Чунки бундай никоҳ фақат шаҳватни қондириш учун кўзланган вақтинчалик алоқадир. Бу иш никоҳдан кўзланган асосий олий инсоний ғояларга тўғри келмайди.

Жумҳур мусулмонлар ушбу ҳукми маҳкам тутганлар. Фақат шийъа мазҳабида мансуб кишиларгина мутъа никоҳини жоиз, дейдилар. Уларнинг бу гаплари ботил эканлигини уламоларимиз кучли ҳужжат-далиллар билан исботлаганлар.

8. Муваққат никоҳ.

Муайян муддатга никоҳланиш «муваққат никоҳ» дейилади. Муваққат никоҳ ҳам мутъа никоҳига ўхшаш бўлгани сабабли дуруст бўлмайди.

«Кифоя» китобидан олинди

ҚАЛБНИНГ ҚАТТИҚЛАШИШИ



«Сўнгра, шундан кейин ҳам қалбларингиз қаттиқ бўлди, улар тошдек ёки ундан-да қаттиқ. Ҳолбуки, тошларнинг ичида ундан анҳорлар отилиб чиқадигани бор. Ва уларнинг ичида ёрилиб, ундан сув чиқадигани бор. Яна уларнинг ичида Аллоҳдан қўрққанидан қулаб тушадигани ҳам бор. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир» (Бақара сураси, 74-оят).

Муфассир уламолар бу ояти каримадаги «шундан кейин ҳам қалбларингиз қаттиқ бўлди» жумласини шундай тафсир қилишган. Қалблари тошдек, балки ундан ҳам қаттиқ бўлди. Тош табиатан жуда ҳам қаттиқ жисмдир, ҳаттоки темир ҳам оловда қиздирилиши натижасида эришни бошлайди, лекин тош эрмайди. Сизнинг қалбларингиз ҳам шу даражада қаттиқлашиб қолганки, унга ҳеч бир мавъиза таъсир қилолмайди.

Имом Баззор Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда:

«Тўрт нарса бадбахтликдандир: кўзнинг қуруқлиги, қалбнинг қаттиқлиги, орзу ҳаваснинг узунлиги ва дунёга ҳирс қўйиш», дейилган.

Ибн Қайюм қалбнинг қаттиқлашиши ҳақида шундай дейди: «Банда қалби қотиши ва Аллоҳдан узоқлашишидан ҳам каттароқ уқубатга учрамайди. Жаҳаннам қаттиқ қалбларни эритиш учун яратилгандир».

Қалбнинг қаттиқ бўлиш ўринлари (Қачон қалбнинг қаттиқ бўлишига рухсат бор?)

Барча ҳолатларда ҳам қалбнинг қаттиқ бўлиши қораланмайди, балки баъзи ўринларда бу мубоҳ, ҳаттоки лозимдир. Абу Ҳомид Ғаззолий айтади: «Суфён ўз соҳибларига шундай деди: «Эзгулик нималигини биласизларми?» Асҳоблар: «Ўзинг айт, эй Абу Муҳаммад», дейишди. У киши: «Ҳар бир ишни ўз ўрнига қўйишдир. Қаттиқликни ўз ўрнига, юмшоқликни ўз ўрнига, қилични ўз ўрнига, қамчини ўз ўрнига», дедилар.

Қуйидаги ўринларда қалбнинг қаттиқ бўлиши мубоҳ саналади:

- Жиходда (урушда);
- Золим билан баҳс (муҳодала) қилганда;
- Ҳадларни қоим қилганда (қози белгилаган жазо амалга оширилганда);
- Дин масхара қилинганда ва бошқа шу каби ҳолатларда.

Қалб қотганлигининг аломатларидан:

- Қуръони Каримдан таъсирланмаслик.

Зумар сураси 23-оятда, жумладан, шундай дейилади: «...Ундан Роббларидан қўрқадиганларнинг терилари титрар. Сўнгра уларнинг терилари ва қалблари Аллоҳнинг зикрига юмшар. Ана шу Аллоҳнинг ҳидоятидир...»

- Аллоҳдан қўрқининг камайиши, кўзнинг кам ёш тўкиши.

Ибн Қайюм айтади: «Кўзлар Аллоҳдан қўрқиб йиғлашдан тўхтаса, билгинки, унинг бу қуриши қалбнинг қотиб қолганидандир. Қотиб қолган қалб – қалбларнинг Аллоҳдан энг узоғидир».

- Ўлимга эътиборнинг камайиши, қабрларнинг олдида кулиши.

Газзолий айтади: «Ҳозир жанозага келганларга назар солсанг, кўпларнинг фақат кулаётганини, ҳазиллашаётганини кўрасан. Фақат мерос ва марҳумнинг нима қолдиргани ҳақида гаплашадилар, ўзларининг жанозаси қандай бўлиши ҳақида улардан бирортаси фикр ҳам қилмайди. Бу ғафлатнинг сабаби фақатгина гуноҳларнинг кўплигидан қалбнинг қотиб қолишидир. Зеро, биз Аллоҳ таолони ва охират кунини унутиб қўйдик».

- *Ҳақиқатдан кўз юмиш ҳамда кибр.*
- *Бировларнинг гами билан қизиқмаслик, ҳаттоки бундан хурсанд бўлиш.*

Зеро, «қаттиқлик» (араб тилидаги «қосватун») сўзининг изоҳли таржимасида ҳам унга «бошқаларнинг ғам-қайғусига эътиборсизлик» деб ҳам таъриф берилади.

Қалб қотиб қолишининг сабаблари:

- Аллоҳни зикр қилишдан, Қуръонни тадаббур қилишдан, борликдаги оят-белгиларни тааммул қилиб, фикрлашдан тўхташ, ғафлатда қолиш;
- Гуноҳларнинг кўплиги;
- Фарзларни зое қилиб, ҳаром ишларни кўп қилиш;
- Дунё билан машғул бўлиш;
- Узундан-узун орзу-ҳаваслар;
- Мубоҳларни ўзи учун ҳаддан зиёд кенгайтириб олиш;
- Одамлар билан бефойда алоқаларни кўпайтириш;
- Одамларга чиройли хулқ ва эҳсон билан яхшилик қилишни тўхтатиш;
- Дангасалик ва лоқайдлик;
- Фикрида таассуб билан қаттиқ туриб олиш, баҳслашишга ўчлик;
- Динга ўзича янгилик қўшиш;
- Шубҳадан узоқ бўлмаслик, қасддан ҳаром молни ейиш, заифларга зулм қилиш;
- Ўзини катта, бошқаларни ҳақир кўриш.

Қалбнинг қотиб қолишидан халос бўлиш чоралари

Ибн Қайюм шундай дейди: «Қалб ҳам худди бадан каби касал бўлади, унинг шифоси тавба ва парҳездадир; худди ойна каби хиралашади, унинг жилоси зикрадир; худди жисм каби кийимсиз (яланғоч) қолади, унинг зийнати тақводадир; худди бадан каби оч қолади ва чанқайди, унинг таоми ва шароби маърифат, муҳаббат, таваккул, тавба ва бандалик қилишдадир».

Қалбнинг қотиб қолишидан сақланиш учун қуйидаги маънавий воситаларни амалда бардавом қўллаш зарур:

1. Дуо.

«Қачон бандаларим сендан Мен ҳақимда сўрасалар, бас, албатта, Мен яқиндирман. Дуо қилувчи Менга дуо қилганда, дуосини ижобат қилурман. Бас, Менга ижобат қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар» (Бақара сураси, 186-оят).

2. Қуръон кироат қилиш ва оятларини тадаббур қилиш.

3. Аллоҳнинг зикрини кўпайтириш.

Раъд сурасининг 28-оятида шундай дейилади: «Улар иймон келтирган ва Аллоҳнинг зикри ила қалблари ором топганлардир. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топура!»

4. Тавба ва истиғфорни кўпайтириш.

5. Ўлимни эслаш ва қабрларни зиёрат қилиш. Саъид ибн Жубайр дейди: «Агар ўлимнинг зикрини тарк қилганимда, кўрқаманки, қалбим фасод бўлган бўларди».

6. Солиҳлар билан бирга бўлиш, салафи солиҳлар ҳаётини ўрганиш.

7. Заифларга яхшилик қилиш.

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қалбининг қаттиқлигидан шикоят қилганида, у зот алайҳиссалоту вассалом қалби юмшаши учун мискинни таомлантириш ва етимнинг бошини силашни насиҳат қилганлар.

8. Беморларни кўргани бориш.

9. Қалби қаттиқ кишилар ҳақидаги қиссаларга назар солиб, улардан хулоса чиқариш.

10. Фожир ва фосиқ кишилардан узоқ бўлиш, уларнинг китобларини ўқимаслик, суҳбатларига қўшилмаслик.

*Зарнигор Аҳмадалиева
интернет материаллари
асосида тайёрлади*

Зикр аҳлидан сўранг



Дам солганда қўл теккизиш мумкинми?

САВОЛ: Ассалому алайкум! Бизда ёки бошқа жойларда ҳам дам солгандан кейин, айниқса беморнинг боши оғриган бўлса, икки қўлини бошига қўйиш, елкани уриш одати бор. Шунини аёлларга қўллаш мумкинми? Дам солаётган кишининг истисно тариқасида аёл кишига қўлини теккизиши мумкинми? Менга домлаларнинг кичкина қизларга қўлини теккизиши ёқмайди.

ЖАВОБ: Мутлақо мумкин эмас.

Дам солдириш

САВОЛ: Ассалому алайкум, шайх Ҳазратлари. Менинг ёшим 43да. Фарзандларим ҳам анча катта бўлиб қолишди. Катта қизимга совчилар келиб турибди, лекин негадир бир келган совчилар иккинчи марта келмай қолаётти. Сабабини билолмай, бошимиз қотади. Ҳамма ҳар хил фикр айтади. Агар оиламизда бунга арзирли сабаб бўлганда ҳам майли эди. Бирор ёмон иш билан ном чиқармаган бўлсак, деб ҳайрон бўламиз. Ёши катталарнинг айтишича, қандайдир сеҳр ёки ғараз аралашган бўлиши мумкин, дам солдирилса, изига тушар эмиш. Тақдирнинг дуо билан ўзгаришига ишонамиз, албатта. Лекин билиб-билмай нотўғри иш қилиб қўйишдан қўрқамиз. Умуман, қайси ўринларда дам солдирган маъқул-у, қайсинисида номаъқул?

Адашмасам, етти тоифанинг бири ўзига дам солдирмаган деб эшитган эдим. Шунинг учун ҳам ҳадеб дам солдираверишни унча хушламас эдим. Сиздан илтимос, шу масалага ойдинлик киритиб берсангиз. Олдиндан раҳмат.

ЖАВОБ: Қизига совчи келмаса ёки келиб, ёқтирмаса, бошқа қайтиб келмаса, дам солинади, деган гап нотўғри.

Иймонимни сақлаш учун нима қилай?

САВОЛ: Ассалому алайкум. Мен жин теккан касалман. Буни бир-икки йил олдин билиб, Исломига кирдим. Бизда динсиз одамлар яшайди, динимга қаттиқ қарши. Бир амаллаб намозга кўндирдим. Аммо улар дин ҳақида шунақа ёмон нарсаларни гапиришади. Бу билан мени диндан чиқаришга ҳаракат қилишади. Уларга диндан бирор нарса айтсам, устимдан кулишади. Оиламдагиларнинг бирортаси шариатни умуман тушунишмайди... Айниқса онамнинг гапларига чидолмайман. Менга жин теккани учунми, уларнинг гапига киришимга, иймонимдан айрилишимга оз қолаётти. Жинлар «Ота-онангнинг айтганини қил», деб васваса қилишади. Шайх Ҳазратлари, мен ўзимни ўзим қандай ҳимоя қилай? Иймонимни қандай сақлай? Улар дин ҳақида ёмон гапларни айтса, мен нима деб жавоб қайтарай ёки бўлмаса ичимда нима дейишим керак?

ЖАВОБ: Диний маълумотларни кўпроқ ўрганиб, Аллоҳ таолонинг Ўзидан ёрдам сўраб, дуони кўп қилинг. Сабр қилинг, уларнинг озорларига сабр қилганингиз учун ажр оласиз.

Сартарошлик касби

САВОЛ: Ассалому алайкум, шайх Ҳазратлари. Аёлларнинг соч кесиш, кош теришни ўргатадиган курсларга бориб ўқишлари ҳамда шу касб билан шуғулланишлари ҳам гуноҳми? Олдиндан раҳмат.

ЖАВОБ: Ҳа.

Онамга шифо учун

САВОЛ: Ассалому алайкум! Онамнинг ўт пуфаги оғриб қолганида бир шифокор: «Бир ёшга тўлмаган боланинг пешобини ичинг», дебди. Шу дурустми, шифо учун ичса бўладими? Ҳозир ўғлим икки ойлик. Сизнинг маслаҳатингиз керак.

ЖАВОБ: Мумкин эмас.

Мени мажбурлаб турмушга беришмоқчи

САВОЛ: Ассалому алайкум! Сиз улуғ зотга саволим қуйидагича: мен турмушга чиқишни хоҳламайман. Лекин уйимдагилар мени мажбурлаб, ўзларининг танишларига беришмоқчи. Шу ишлари тўғрими? Мен нима қилишим керак?

ЖАВОБ: Бу ишлари тўғри эмас. Сиз ўзингиз хоҳлаган яхши киши билан турмуш қуришга ҳақлисиз. Лекин бу иш ота-онанинг розилиги, икки тарафнинг хурсандчилиги билан қилиниши лозим.

Оддий пичоқ ҳалолламайдими?

САВОЛ: Ассалому алайкум! Фазилатли шайх Ҳазратлари, сизга бир савол билан мурожаат қилмоқчи эдим. Қурбонлик қилишга оддий пичоқ олиб келган эдим, бир домла: «Бу пичоқ бўлмайди, қўрғошини бўлиши керак, бу пичоқ ҳалолламайди», деди. Мен «Бундай маълумот қаерда ёзилибди?» дедим. У киши секингина: «Ҳадисда келган», деди. Мен бу гапга эътибор бермасдан, ўша оддий пичоқ билан сўйдим. Тўғри қилдимми? Аллоҳ сизнинг илмингизни янада зиёда қилсин, омин!

ЖАВОБ: Тўғри қилгансиз. У одам домла бўлмаса керак.

«Зикр аҳлидан сўранг» саҳифасидан олинди

УММУ СУЛАЙМ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲОНИНГ ФАЗЛЛАРИ

Биз сўз юритмоқчи бўлган ушбу саҳобия Ислом тарихида Умму Сулайм кунyasi билан машҳур бўлган аёллардан. Умму Сулайм розияллоху анҳо асли мадиналик бўлиб, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг хабарларини эшитишлари билан дарҳол Исломга келган. У кишининг дастлаб Исломга келган пайтдаги ҳоллари «Тобақот» китобида ўзларидан келтирилган ривоятда қуйидагича васф қилинади:

«Умму Сулайм Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга иймон келтирди. Бас, Абу Анас келди. У ғойиб эди. Бас, у: «Диндан чиқдингми?» деди. «Мен диндан чиққаним йўқ. Балки мана бу кишига иймон келтирдим», дедим ва Анасга талқин қилиб: «Лаа илааҳа иллаллох», дегин, «Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулulloх», дегин, дея бошладим. У айтганимни қилди. Унинг отаси: «Менинг боламни бузма», деди. «Мен уни бузаётганим йўқ!» дедим».

Имом Баззор Анас розияллоху анҳудан ривоят қилади:

«Умму Сулайм розияллоху анҳо Абу Анаснинг олдига келиб: «Бугун сен ёмон кўрган нарса ила келдим», деди.

«Сен олдимга доимо анави аъробийнинг олдидан мен ёмон кўрган нарсани олиб келаверасан!» деди Абу Анас.

«У аъробий эди. Лекин Аллоҳ уни танлаб олиб, пайғамбар қилишни ихтиёр этди».

«Келтирган нарсанг нима?!»

«Ароқ ҳаром қилинди».

«Бу сен билан менинг ажрашишимиз», деди. Сўнгра мушрик ҳолда ўлиб кетди».

Умму Сулайм розияллоху анҳо ҳикояларини шундай давом эттирадилар:

«Анаснинг отаси Молик сафарга чиққанда душманга йўлиқди ва душман уни ўлдирди. Шунда Абу Толҳа мушрик ҳолида унга уйланмоқчи бўлди. У бош тортди. Бир куни у Абу Толҳага:

«Менга айт-чи, сен ибодатини қилаётган тош сенга зарар ёки фойда берадими? Ёки нажжорга олиб келиб, бут қилдириб олган ёғочинг сенга фойда берадими?» деди. Унинг гаплари Абу Толҳанинг қалбига таъсир қилди ва унинг олдига яна келиб:

«Сенинг гапларинг қалбимга таъсир қилди», деди ва иймонга келди. Шунда у:

«Мен сенга тегаман ва ундан бошқа маҳр олмайман», деди. Унинг маҳри Ислому бўлди».

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Абу Толҳанинг аёли унга ўғил туғиб берди. Бола катта бўлиб, йўлга кирди. Отаси уни жуда ҳам яхши кўрар эди. Бир куни Аллоҳ таборака ва таоло болани қабз қилди.

Абу Толҳа келиб:

«Ўғлимнинг ҳоли қандай, эй Умму Сулайм!» деди.

«Жуда яхши. Тушликни қилиб олмайсанми?! Бугун тушлигинг кеч қолиб кетди?» деди ва унга таомни тақдим қилиб туриб:

«Эй Абу Толҳа, бир қавм бошқасидан вақтинчаликка бир нарсани олиб турса, у уларда Аллоҳ хоҳлаганича қолса-да, кейин эгалари қайтариб олса, вақтинчалик олиб турганлар хафа бўлиши керакми?» деди.

«Йўқ», деди Абу Толҳа.

«Ўғлинг дунёни тарк этди», деди Умму Сулайм.

«Қани у?!»

«Ҳов ана, ётоқхонада».

У кириб, боланинг юзини очди ва истиржоь айтди. Кейин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг хузурларига бориб, Умму Сулаймнинг гапини айтиб берди. Шунда у зот:

«Мени ҳақ ила юборган Зотга қасамки, Аллоҳ бу кеча боласига сабр қилгани учун унинг раҳмига бир ўғил бола илқо қилди», дедилар.

У болани туғди. Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Эй Анас, – дедилар, – онангнинг олдига бориб, «Ўғлининг киндигини кесганидан кейин унга ҳеч нарса татитмай туриб, менга юбор», дедилар», дегин». У (онам) болани икки кўлимга қўйди. Мен уни Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келтириб, қўйдим. У зот:

«Менга учта Ажва хурмоси келтир», дедилар.

Мен келтирдим. У зот уларнинг данагини олиб ташлаб, оғизларига солиб, чайнадилар ва боланинг оғзини очиб, солдилар, бола тамшана бошлади.

У зот:

«Ансорий-да, хурмони яхши кўради!» дедилар. Сўнгра:

«Онангга бориб, «Аллоҳ сенга бундан барака берсин ва уни яхши ҳамда тақводор қилсин», деб айт», дедилар».

Умму Сулайм розияллоҳу анҳо илмга жуда ҳам ўч зот эди. У киши Набий соллalloҳу алайҳи васалламга яқинликларидан фойдаланиб, аёлларга хос масалаларни кўп сўрар эди.

Бухорий, Муслим ва Абу Довуд Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қиладилар:

«Умму Сулайм Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, Аллоҳ ҳақдан ҳаё қилмайди. Аёл киши эҳтилом бўлса, ғусл қиладими?» деди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «**Ҳа, вақтики сувни кўрса**», дедилар.

Умму Салама: «Эй Аллоҳнинг Расули, аёл киши ҳам эҳтилом бўладими?» деди.

У зот: «**Кўлгинанг қурисин, бўлмаса боласи унга нимадан ўхшар эди?!**» дедилар».

Умму Сулайм розияллоҳу анҳонинг Ислому учун бунчалик фидокор бўлишлари, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга мухлис бўлишлари, ибодатлари, тақволари, хайр-эҳсонлари ва бошқа савобли ишлари муносиб тақдирланди. Бу ишларнинг мукофоти сифатида у кишига жаннат ваъда қилинди. Бу тенги йўқ мукофот башоратини Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламнинг ўзлари бердилар.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: «**Жаннатга кириб, бир нарсанинг овозини эшитдим ва: «Бу ким?» дедим. «Бу Анас ибн Моликнинг онаси Ғумайсо бинти Милҳон, дейишди**», дедилар».

Бу ҳар қандай мўмин-мусулмон аёл учун катта бахтдир. Умму Сулайм розияллоҳу анҳо ана шундай катта бахтга сазовор бўлган саҳобия аёл эдилар.

Умму Сулайм розияллоҳу анҳо Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламдан 14та ҳадиси шариф ривоят қилганлар.

Биз танишган китобларда Умму Сулайм розияллоҳу анҳонинг қачон, қаерда ва қандай вафот этганлари ҳақида маълумотлар топилмади.

Аллоҳ таоло Умму Сулайм розияллоҳу анҳодан рози бўлсин!

Дилафруз тайёрлади



«Онасини кўриб, қизини ол», деган мақол азал-азалдан халқимиз орасида такрорланиб келади. Шундан келиб чиқиб, қизлар барибир бир кун келиб онасига ўхшаб кетади, деган тушунча ҳам сингиб кетган. Бу бежиз эмас, албатта. Ахир «Тарбияловчининг ўзи тарбияланган бўлиши керак», дейишади-ку...

Яқинда бир қариндошимизникида тўй бўлди – қиз узатилди. Осонгина, бир оғизгина «тўй бўлди» деган жумла билан ифодаланган бу тантана бўлиб ўтгунича, эҳ-хе... Қанча асаб, қанча соғлик, неча йил умр ва қанча пул сарфланди, бу ёлғиз Яратганга аён. Қиз узатган томон сарполарни чунонам йиғишибдики, шунақанги чиройли либосларни топишибдики, атайлаб хорижга бориб, олиб келишганмикан, дейсиз. Мебельни танлашда эса энг ўткир кўзлар, энг билимдон мутахассислар, энг нозик дид эгалари иштирок этишди.

Сарпо-сурук, ҳатто тўй куни хонадонни безатиш ҳам «алламбало». Хуллас, «ипидан то игнасигача» ўта замонавий ўтган бу тўйдан шахсан менинг кўнглим тўлмади.

Никоҳ куни келинчакнинг қўлларига аҳамият бердим: тирноқлар «ўстирилган». Яъни аввалги пайтдагига ўхшаб «лак» эмаски, «Ҳа, уйига бориб, артиб ташлайди, бўлди-да», десангиз. Ёки ёпиштирилган елим тирноқ ҳам эмас. Энди уни ҳеч нарса билан кўчириш мумкин эмас! Мени бир савол жуда қизиқтирарди, бугун никоҳ, қиз ва йигит шу кунга етказгани учун Аллоҳга ҳамд айтиб, никоҳ кечасида икки ракат намоз ўқишлари лозим. Бу келинчак намозни қандай ўқийди? Ва ўзи умуман, инсон сифатида, ўзини мусулмон деб билган шахс сифатида бир кечакундузда ўқиладиган беш маҳал намозни қандай ўқийди? Ёки куёв бола никоҳ маросимидан сўнг уйига «тирноқни кўчириб берадиган» бирор мутахассисни чақириб кўйганмикан? Албатта, йўқ! Менимча, улар бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмаган.

Энг қизиғи, қизига шунча сарпо-сурукни тайёрлаган, йиллаб ўзи киймай қизига йикқан, ўзи емай совчиларни кутган она аслида биринчи бўлиб берилиши керак бўлган илмни бироз ҳам ўргатмаган. Чунки бу илм унинг ўзида йўқ.

Аслида қиз болага энг зўр сарпо унинг ҳаёси, ибоси ва ибодатда мустаҳкамлиги, яъни унга берилган мукамал тарбия бўлиши керак. Қолгани – бу дунёнинг мол-мулки топиладиган нарса. Энди биринчи никоҳ кечасини бошқатдан уюштиришнинг иложи йўқ. У энди ўтмишга айланди. Бу кечадаги ибодатга, шукрга яширинган қанча-қанча яхшиликлар уларни четлаб ўтди! Келаси ҳаётда уларга берилиши мумкин бўлган бир қанча бахтли лаҳзалардан уларнинг ўзлари шу шукрни қилмаганликлари оқибатида мосуво бўлмаганларига ким кафил бўла олади?

Баъзилар бу нарсаларни «майда масала» деб ўйлаб, аҳамият ҳам беришмайди. Аммо ҳамма катта нарсалар мана шундай майда нарсалардан таркиб топади. Ахир катта-катта романлар ҳам ҳарфлар ёрдамида битилади-ку! Биттагина ҳарф сўзни, гапни, оқибатда айтилмоқчи бўлган маънони ўзгартириб юбориши мумкин. Хуллас, баъзилар «майда масала» деб ўйлаётган «нарашывание» аслида тиббий жихатдан ҳам фойда эмас. Аммо биз ҳозир унинг муслима аёлларга тегишли жихатлари ҳақида сўзлаямиз.

Аслида тирноғи «наращивание» қилинган қиз, келин, аёл уйдаги ишларни қилишга қийналиши якқол кўриниб турган ҳақиқат. Ишонмасангиз, тирноғингизни яхшилаб ўстириб, бир хамир қориб кўринг! Балки, бу баъзилар учун иккинчи даражали нарсадир. Келинг, унда масаланинг муҳим жиҳатига (аслида бу ҳам баъзилар учун муҳим эмас) ўтайлик. Тирноққа лак суртилган бўлса ёки уни сув ўтмайдиган бошқа бирор нарса қоплаб турса, қилинган таҳорат ўтмайди. Таҳорат мукаммал бўлиши учун тирноқларнинг устига сув тегиши, ишқалаб ювилиши лозим.

Хўш, тирноқлари «наращивание» қилинганлар бу ишни қандай амалга оширишади? Ўзларича таҳорат олишлари мумкин, аммо у таҳорат ҳисобга ўтадими? Таҳоратсиз ўқилган намоз қабул бўлмайди. Масала борган сари катталашиб кетаяпти. Энди ундан ҳам қизиғи келади: улар ғуслни қандай қиладилар? Игнанинг учичалик жойга сув тегмаса, ғусл ҳисобга ўтмайди. Демак, бундай «чиройли» тирноқ эгалари беғусл, яъни жунуб ҳолда юришар экан-да! Бу гапни ёзаётиб, менинг бутун баданим жунжикиб кетди. Уларчи? Улар қандай қилиб хотиржам юришибди, ҳайронсан, киши

Улар бу нарсаларни билишармикан? Яна энг даҳшатли савол туғилади: улар шу ҳолларида, яъни «наращивание» тирноқ билан жон таслим қилсалар нима бўлади? Ғассол келиб, тирноқларини махсус аппарат билан кўчириб ўтирмаса керак! Демак, уларга охириги ғусл ҳам насиб қилмас экан-да! Яратганнинг ҳузурига гуноҳлари-ю, бетаҳорат, беғусл ҳолларида боришар экан-да! Аллоҳ асрасин!

Гапни нимадан бошлагандик? Ҳа, «Онасини кўриб, қизини ол», деган мақолдан бошлагандик. Ҳа, якин кунларда совчиликка юрмоқчи бўлган аёлларга маслаҳат: қизнинг остонасига қадам кўяр экансиз, онасининг тирноқларига ҳам қараб кўйинг! Агар онанинг ўзи «наращивание» ни «одатий ҳол» деб қабул қилган бўлса-ю, насиб қилиб шу онанинг қизи сизга келин бўлиб қолса, ишни аввало унга таҳоратни ўргатишдан бошланг...

Умму Муҳаммад Билол тайёрлади

Сафар ойида юз берган тарихий воқеалар

Нубувватнинг 14 йили, сафар ойининг охирилари (мил. 622 йил, сентябрь бошлари) – Барча саҳобалар Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб бўлишди.

Нубувватнинг 14 йили, 26 сафар, пайшанба куни эрталаб (мил. 622 йил, 8 сентябрь) – Қурайш раҳбарияти «Дорун Надва» (Макка парламенти) мажлисида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни ўлдириш ҳақидаги ёвуз қарорини қабул қилди.

Нубувватнинг 14 йили, 27 сафар, жумага ўтар кечаси (мил. 622 йил, 9 сентябрь) – Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уйларини ўраб олган душманлар орасидан мўъжизавий суратда чиқиб, Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу билан Макканинг Мадинага нисбатан орқа томонидаги Савр тоғи чўққисига кўтарилдилар ва у ердаги кичик бир ғорчада уч кун қолдилар (сўнг душманларни доғда қолдириб, Мадина сари равона бўлдилар).

Ҳижрий 2 йил, сафар ойи (мил. 623 йил, август) – Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам кенжа қизлари Фотима розияллоҳу анҳони ҳазрати Али розияллоҳу анҳуга турмушга бердилар;

– Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўзлари етмиш кишилик муҳожирлар гуруҳига бош бўлиб, Қурайш қарвонини қаршилашга чиқдилар. Ваддон деган жойгача етиб бордилар, аммо бирон ёмонликка дуч келмадилар (бу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг биринчи ғазотлари бўлиб, Абво ва Ваддон ғазоти [1] деб аталади);

– Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ушбу сафарларида Бану Зомра қабиласининг раиси Амр ибн Махший билан сулҳ (тинчлик битими) тузиб қайтдилар.

Ҳижрий 4 йил, сафар ойи (мил. 625 йил, июль-август) – Ражиъ ва Биъру Маъуна воқеалари юз берди.

Ҳижрий 5 йил, сафар оyi (мил. 626 йил, июль) – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳога уйландилар.

Ҳижрий 7 йил, сафар оyi (мил. 628 йил, июнь) – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яҳудийларнинг Хайбардаги қалъалари билан Куро водийсини фатҳ қилдилар;

– Хайбар ғазоти сўнгида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиваччалари Жаъфар ибн Абу Толиб ўн олти эркак (аҳли-аёл ва бола-чақалардан ташқари) ҳамда Абу Мусо Ашъарий 50дан ортиқ қавмдошлари билан Ҳабашистондан иккита кемада Мадинага ҳижрат қилиб келишди (қолган муҳожирлар илгарирок етиб келишган эди);

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абон ибн Саъид розияллоҳу анҳу бошчилигида Наждга бир сарийя (махфий жанговар гуруҳ) йўлладилар (улар ўзларига юклатилган вазифани тўлиқ адо этиб, қайтиб келишди);

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Назир қабиласи раҳбари Ҳуяй ибн Ахтобнинг қизи София онамизни асирликдан озод қилиб, унга уйландилар;

– Хайбар фатҳ этилиб, уруш ҳаракатлари тинганидан сўнг яҳудийлардан Саллом ибн Мишкамнинг хотини Зайнаб бинти Ҳорис Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қовурилган ва заҳарланган кўй гўшти келтириб, заҳарламоқчи бўлди;

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фадак яҳудийлари билан сулҳ туздилар, сўнг Куро водийсини фатҳ қилдилар;

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Таймо яҳудийлари билан сулҳ туздилар.

Ҳижрий 7 йил, сафар оyi охирлари ёки рабиъул аввалнинг бошлари (мил. 628 йил, июль) – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан бирга Хайбар ғазоти сафаридан Мадинага қайтиб келишди;

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Суфён қизи Умму Ҳабиба онамиз билан бир ёстикқа бош қўйиб, яшай бошладилар;

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ғолиб ибн Абдуллоҳ Лайсий розияллоҳу анҳунинг амирлигида Қудайддаги Бану Мулаввах қабиласига сарийя юбордилар.

Ҳижрий 8 йил, сафар оyi (мил. 629 йил, июнь) – Машҳур саркарда Холид ибн Валид [2], Миср фотиҳи Амр ибн Ос [3] ва Каъба калити эгаси Усмон ибн Талҳа розияллоҳу анҳум сингари буюк саҳобалар Макка фатҳидан олдин Исломи қабул қилишди;

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ғолиб ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу бошчилигида 200 кишилик сарийяни Бану Мулаввах қабиласи устига қасос олиш учун юбордилар. Бу қабилга аъзолари Башир ибн Сувайд розияллоҳу анҳунинг ҳамроҳларини ўлдиришган эди. Сарийя тунда бориб, қабилга ҳамла қилди ва ўлдирганларини ўлдириб, чорваларини ҳайдаб кетди. Ортидан душманнинг каттагина кўшини қувиб чиқди ва мусулмонларга яқинлашиб қолганида ёмғир қуйиб, улкан сел оқими икки гуруҳ ўртасини тўсиб қўйди. Саҳобалар саломат қайтиб келишди.

Ҳижрий 9 йил, сафар оyi (мил. 630 йил, май-июнь) – Узра қабиласидан ўн икки киши элчи бўлиб келди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам элчиларни яхши кутиб олдилар, уларга Шом фатҳи ҳақида мужда бердилар, фолбинлардан савол сўрашдан ва Аллоҳдан бошқага атаб жонлиқ сўйишдан қайтардилар. Улар Исломи қабул қилиб, Мадинада бир неча кун тургач, юртларига қайтиб кетишди;

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Нажрон [4] ўлкасидан келган элчилар билан жизя [5] тўлаш эвазига сулҳ туздилар (улар жизянинг ярмини Ражаб ойида, қолган ярмини Сафар ойида берадиган бўлишди);

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қутба ибн Омир розияллоҳу анҳу бошчилигидаги йигирма кишилик сарийяни Тураба яқинидаги Табола қасабасининг Хасъам номли қишлоғига юбордилар. Мусулмонлар Мадинага катта ўлжалар билан қайтиб келишди.

Ҳижрий 11 йил, сафар оyi бошлари (мил. 632 йил, майнинг боши) – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ухуд майдонига чиқиб, худди тирик ва ўликлар билан видолашгандек, шаҳидларга жаноза ўқидилар. У ердан қайтиб келиб, минбарга чиқдилар ва: «Мен сизлардан олдин бориб турувчиман ва мен сизларнинг устингизда гувоҳман. Мен, Аллоҳга қасамки, ҳозир ҳавзимга қараб турибман. Менга ер хазиналарининг қалитлари берилди. Мен, Аллоҳга қасамки, сизларнинг мендан кейин мушрик

бўлиб кетишингиздан кўркмайман, балки ўша (ер хазиналари) борасида талашиб-тортишингиздан кўрқаман», дедилар [6];

– Шу ойда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Усома ибн Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу бошчилигидаги улкан кўшинни Фаластиннинг Балко ва Дорум худудларига жўнатдилар (кўшин йўлга отланиб, Мадинадан бир фарсах (5,544 км) узоқликдаги Журфга бориб тўхтаган пайтда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг касалликлари ҳақида хавотирли хабар етиб келди, натижада кўшин тўхтаб туришга мажбур бўлди).

Ҳижрий 11 йил, 29 сафар, душанба кун (мил. 632 йил, 25 май) – Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Бақиъ қабристонида бир жанозада иштирок этиб қайтаётганларида, йўлда бошларига оғриқ кирди ва уйларида иситмалари кўтарилиб, тўшакларига ётиб қолдилар.

Ҳижрий 11 йил, 29 сафардан 10 рабиъул аввал ойигача (мил. 632 йил, 25 май-4 июнь) – Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам қаттиқ дард тортиб ётган бўлишларига қарамай, 11 кун одамларга имом бўлиб намоз ўқиб турдилар.

Ҳижрий 16 йил, сафар ойи (мил. 637 йил, март) – Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу халифалиги даврида Ироқнинг Мадоин шаҳри фатҳ қилинди.

Ҳижрий 41 йил, сафар ойи (мил. 661 йил, июнь) – Имом Ҳасан розияллоҳу анҳу кўшини билан Кўфа шаҳридан Мадоин шаҳрига қараб йўлга чиқди. Мадоинда Муовия розияллоҳу анҳу ўз кўшини билан кутиб турганди. Имом Ҳасан розияллоҳу анҳунинг ушбу сафари икки гуруҳ мусулмонларнинг иттифоқи билан тугади.

Ҳижрий 99 йил, сафар ойи (мил. 717 йил, сентябрь-октябрь) – Адолатли подшоҳ Умар ибн Абдул Азиз роҳматуллоҳи алайҳи халифаликка сайланди.

Ҳижрий 260 йил, сафар ойи (мил. 873 йил, ноябрь-декабрь) – Имом Табароний роҳматуллоҳи алайҳи туғилди.

Ҳижрий 370 йил, сафар ойи (мил. 980 йил, август-сентябрь) – Абу Али ибн Сино роҳматуллоҳи алайҳи туғилди.

Ҳижрий 722 йил, сафар ойи (мил. 1322 йил, февраль-март) – Имом Саъдуддин Тафтазоний роҳматуллоҳи алайҳи туғилди.

Ҳижрий 756 йил, сафар ойи (мил. 1355 йил, февраль-март) – Имом Нуриддин Саховий роҳматуллоҳи алайҳи Қоҳирада қозилик лавозимида тайинланди.

Ҳижрий 763 йил, сафар ойи (мил. 1361 йил, декабрь) – Қозиюл кузот Садриддин Думаърий роҳматуллоҳи алайҳи Суриядаги Ҳалаб шаҳрида ва қози Аминуддин ибн Ваҳбон роҳматуллоҳи алайҳи Ҳамо шаҳрида қозилик лавозимида тайинландилар...

Абдул Азим Зиёуддин тайёрлади

[1] Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам шахсан ўзлари иштирок этган ҳарбий юриш (унда жанг бўлганми, бўлмаганми, фарқи йўқ) “ғазот” деб аталади.

[2] Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу ҳижрий 8 йили 47 ёшида мусулмон бўлган. Ҳижрий 21 йили 60 ёшида вафот этган.

[3] Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳунинг халифалиги даврида Мисрни фатҳ қилади.

[4] Нажрон – Маккадан Яман томонга боришда етти марҳала (310 км) масофадаги, етмиш учта қишлоқдан иборат катта ўлка. Нажрон аҳлининг юз мингта жангчиси бўлиб, насронийлик динида эдилар.

[5] Икки мингта кийим-бош билан икки минг уқия кумуш. (2000 уқия 80000 дирхам(кумуш танга) га тенг бўлиб, закот нисобининг 400 баробаридир).

[6] Муттафақун алайҳ.



Аёлларга баъзи насиҳатлар

Аёллар учун эрининг меҳр-муҳаббати ва унинг ризолигига эришиши икки дунё учун ҳам аҳамияти беқиёс масалалардан бири. Ҳазрати Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси бир аёл эрини рози қилиб оламдан ўтса, жаннатга киради», деб марҳамат қилганлар. Иншааллоҳ, қуйида келтирилган насиҳатларга амал қилсангиз, эрингизнинг розилигига ва муносабатларингиз янада яхши-ланишига муяссар бўласиз:

1. Турмуш ўртоғингизга ҳар қандай ҳолатда ҳам овозингизни баланд кўтариб гапирманг. Эркаклар аёл кишининг овозини кўтариб гапиришини хуш кўрмайдилар. Бу ҳолат унинг сиздан бешишига олиб келади.
2. Турмуш ўртоғингиз жаҳли чиққан вақтда уйда сокинликни таъминланг. Гарчи у ноҳақ бўлса ҳам, унга танқидни кўпайтирманг. Иложи бўлса бу пайтда унинг кўзига кўринмай туринг.
3. Турмуш ўртоғингиз билан муҳокамали суҳбат қураётганингизда озгина эгилувчан бўлинг, бир этиккаиккиоёғингизнибаравартиқманг. Утомонга бир оз ён босинг. Суҳбатни қаттиқ мунозарагача олиб борманг. Ўз фикрингизда қолишингиз унинг жаҳли чиқишига олиб келади ва бу жаҳл унинг сиздан совушига сабаб бўлади. Агар бирор нима сўрамоқчи бўлсангиз, уни чиройли шаклда амалга оширинг. «Йўқ» жавобини олсангиз, уни «Ҳа», дейишга мажбурланманг.
4. Турмуш ўртоғингиз кийинаётган вақтда унга ёрдам беринг. Кўпинчабувақтдауларпайпоқларини қидириб қоладилар, унга бу «иш»да ёрдам беринг.

Ишга кетиш чоғида унинг кийимларига эътибор беринг. Бирор нарса кам бўлмадими? Эрининг кийимларига доимий эътиборда бўлиши аёл кишининг яхши сифатларидан биридир.

5. Вақти-вақти билан турмуш ўртоғингиз билан таҳажжуд намозини ўқишга ҳаракат қилинг. Фарз намозларини унга иктидо қилиб ўқишга ҳаракат қилинг. Бу ҳам у билан сизнинг орангиздаги риштани мустаҳкамлайди. Бирга зикр қилиш қалбларни юмшатади, агар орангизда озгина хафагарчилик ўтган бўлса, у ҳам кетади, орангизда турган шайтон қочади.

6. Эрингиз сиздан кечирим сўрашини хаёлингизга ҳам келтирманг. Агар унинг ўзи бу ишни қилса, алҳамдулиллаҳ, бу унинг яхши сифатларидан бири. Агар кечирим сўрамаса, ундан ўпқаланманг. Баъзан сизнинг наздингизда у ноҳақ бўлиб кўринади, аслида эса у ҳақ бўлади. Сиз юз фоиз ҳақ бўлсангиз ҳам, ундан кечирим сўрашини кутманг. Ахир сиз жаннатни ихтиёр қилгансиз, шунинг учун унга ҳар доимгидек хизмат қилишда давом этинг. Ҳеч бир хизматидан бош тортманг. Иншааллоҳ, Аллоҳ савобингизни янада ҳам зиёда қилади.

7. Унинг ташқи кўринишини доимо кузатинг. У ўзига қарамаса ҳам, сиз унинг ташқи кўриниши гўзал, пок бўлишини таъминланг. Пайпоқлари, оёқ кийими, ички кийимларининг тозалигига, ундан бадбўй хид келмаётганига ҳамда соч ва соқоли тўзиб кетмаганлигига эътиборли бўлинг.

8. Турмуш ўртоғингиздан мақтов эшитишни кутманг. Баъзан яхши ишларимиз учун улардан мақтов эшитишга ошиқамиз. Лекин эркак зоти яхши ишингизни гарчи сезган ва ичида бундан хурсанд бўлган бўлса ҳам, уни ташқарига чиқармайди. Турмуш ўртоғингиз учун ҳар қандай хизматни Аллоҳнинг розилиги учун деб қилинг. У бунга «Раҳмат», деса, алҳамдулиллаҳ. Аммо эътибор бермаса, бу билан савобингиз камайиб қолмайди. Чунки сиз ҳақиқий ажрни, мукофотни Аллоҳдан олишга ихтиёр қилгансиз.

9. Унинг кайфиятига қараб муомала қилинг. Уйга хомуш келганда, унинг дардига шерик бўлинг. У хомуш бўлганда, сиз хурсандчиликдан ўзингизни тута олмасангиз, бу унинг жаҳли чиқишига сабаб бўлади. Ёки аксинча, у уйга шод, мамнун ҳолатда келса-да, сиз уни хомуш кутиб олсангиз, бу ҳам унинг кайфиятини бузади. Бундай ҳолатлардан қочинг.

10. Турмуш ўртоғингиз сизга бир юмуш буюрганда, уни ортга сурмасдан, дарҳол бажаринг. Бажарганда ҳам, яхши кайфият билан бажаринг. Мисол учун, у сизга чой дамлашни буюрди. Сиз эса хохламай, секин ошхонага борсангиз, у буни дарров пайқайди ва шу заҳотиёқ чой ичишга бўлган иштаҳаса қочади. Агар сиз Аллоҳнинг ризоси учун чаққонлик билан унга чойни келтирсангиз, шубҳасиз, бунинг учун улкан савоблар оласиз.

11. Турмуш ўртоғингиз сафардан келганда, уни очиқ чехра билан кутиб олишга одатланинг. У келганда, барча ишларингизни ташлаб, қарши олинг. Беш дақиқа вақтингизни аямасдан, ундан ҳол-аҳвол сўраб, истагини бажаринг. Кейин қолган ишларни қилаверасиз.

12. Доимо шуни ёдингизда тутинг, турмуш ўртоғингиз сизни Аллоҳга янада яқинлаштишингизга, Аллоҳнинг розилигига эришишингизга сабаб бўладиган воситадир. Турмуш ўртоғингиз сиздан рози бўлиши – бу Аллоҳнинг розилиги ва сиз учун жаннатнинг саккизта эшиги очилиши эканини бир дақиқага ҳам унутманг.

Дилором тайёрлади

САФАР ОЙИ КЕЛДИ, ҚАЙ БИРИНИ ТАНЛАЙСИЗ?

Бир дугонам бор. У билан танишганимизга анча бўлган, олий ўқув юртида бирга ўқиганмиз. Тахминан 15 йилдан бери уни биламан. Ўша талабалик даврларимизда унинг бир одати менинг ғашимга тегарди: қачон ошхонага кириб, овқатдан сўнг чой ичсак, агар унинг пиёласига кўпик тушса, гапини ҳам тўхтатиб, дарров ўша кўпикни сочига суртиб оларди. Менга бу икки тарафлама ёқмасди: биринчиси – бошига кўпикни суртгандан сўнг қолганини олиш учун яна пиёладаги чойга бармоғини теккизарди. Бу тозалик гигиена жиҳатидан унча тўғри бўлмагани учун менга ёқмасди, чунки у ўша сочига теккизган қўлини солган чойни ичиши аниқ, иккинчиси – сочга кўпикни суртиш билан инсонда бирор ўзгариш бўлармиди.

Унинг айтишича, бу бойлик олиб келармиш. Тавба, дейман ўзимга ўзим, агар чойдаги кўпикни сочга суртиш бойлик олиб келадиган бўлса, инсонлар эрталабдан кечгача чой дамлаб, кўпиртириб қуйиб, ўшанинг кўпигини сочларига суртиш билан овора бўлмасмидилар? Ишонасизми, шу дугонам роса бойиб кетди. Бир танишимнинг айтишича, «Ўзбекистоннинг 100 та энг бой аёли» рўйхатининг аввалги ўринларидан бирида тураркан.

Бу маълумотни ўқиб, ўрнингиздан туриб, дарров чой дамлаб, кўпиртириб қуйиб, кўпигини сочингизга суртишга шошилманг! Чунки ризқни Аллоҳ беради. Аллоҳ тақдир қилган бўлса, сочингизга кўпик суртсангиз ҳам, суртмасангиз ҳам бой бўласиз. Аллоҳнинг синови шундаки, агар бу ризқни Аллоҳ берган, деб эътиқод қилсангиз, мусулмонлардан бўласиз, лекин бойликни чойнинг кўпигидан деб билсангиз, унда, Аллоҳ сакласин, бу ширк бўлади.

Бу оддийгина кичик бир мисол. Бир ўзимиз кундалик ҳаётимизда билиб-билмай, кимнингдир гапига кулоқ тутиб, шу каби иримларга амал қилиб қўямиз. Баъзан билмаймизки, бу иримлар ширкдир. Улардан эҳтиёт бўлишимиз, бунинг учун қилаётган ҳар бир ишимизнинг мазмунини ўрганишимиз лозим. «Супургини тикка қўйманг», дейишади баъзилар. Тўғри, супургини тикка қўйса, қийшайиб қолиши мумкин. Аммо бундан бошқа нима бўлади? Бунисини билмаймиз, аммо одатимизга кўра, ўзимиздан катталар айтганини қилаверамиз.



Тўғри, ўзбекона, исломий тарбия ўзидан катталарни ҳурмат қилишни ўргатади. Аммо ўзингизга эриш туюлган ишни қилишдан аввал «Нега?» деган саволни бериш ҳурматсизлик эмас, назаримда. Кўпинча қайнонамдан иккита супургини бир жойга қўйиб қўйганим учун гап эшитаман. Бундай қилинса, фалокатлар бир жойга йиғиларкан. Оддийгина супургининг шунчалик «мўъжизакор» кучи борлигидан беҳабар эканман.

Сафар ойи келди, энди ҳеч ким тўй қилмайди, нафақат тўй қилмайди, балки совчиликка ҳам юрмайди, унаштирмайди ҳам. Неча йил бўлдики, бу саволга жавоб тополмай қийналаман. «Сафар ойида тўйи бўлганлар бахтсиз бўлади», деб бирор жойга ёзиб қўйилганми? Олимларимиз эшиклардаги тақалар, исириқлар-у кўзмунчоқларни гапиравериш-гапиравериш, чарчашди чоғи. Аммо ҳамон бу нарсалар кўплаб эшикларнинг тепасидан тушгани йўқ.

Кунлардан бир кун катта ўғлим касал бўлиб қолди. Тепки деган диагноз қўйилди. Шифокор буюрган дори-дармонларни қилиб турган эдик, бир «ақлли» қўшнимиз «Иримини қилдинглари, иримини қилмагунча барибир тузалмайди», деб ўз ташхисини қўйиб берди. Нима эмиш, тепки бўлган болани эгизак тукқан хотин тепса, тузалармиш. Қойилмисиз? Унда бу касаллик билан оғриган юзлаб болаларни юқумли касалликлар шифохонасида олиб ўтиришдан, шифокорларга ойлик тўлашдан, фалон пул турадиган дориларга маблағ сарфлашдан не фойда? Бунинг ўрнига эгизак тукқан биттагина аёлни олиб келиб ёки болани унинг олдига олиб бориб, бир марта тепки

ейишга рози бўлинса, бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ экан-ку! Эгизакларнинг онаси озгина «оёқ ҳаққи» олганига хурсанд, келганлар эса дарддан қутулганларига хурсанд!

Ёзаман десак, жилд-жилд китоб бўладиган иримларимиз бор. Баъзан ростдан ҳам ўша иримни қилгани учун вазият ўзгарганга ўхшаб туюлади. Бу эса аслида Аллоҳнинг синови бўлади. Гарчи сиз ўша иримни қилсангиз ҳам, қилмасангиз ҳам, содир бўлиши керак бўлган воқеа барибир содир бўлаверади. Аммо сиз сабр қилиб кутганингиз учун Аллоҳдан бунинг эвазига ажр олишингиз, ёки (Аллоҳ сақласин) билмай туриб, баъзан эса билиб туриб ширк келтириб қўйишингиз мумкин. Шунинг учун ҳаётда учрайдиган турли ҳолатларда оқилона иш тутиш мўмин инсонга хосдир. Ким нима деса, шуни қилиб кетавериш, вазиятнинг ечимини шариятдан эмас, бошқа ердан қидириш эса мўминларга хилоф. Чунки динимизда ечими йўқ масаланинг ўзи йўқдир.

Сафар ойи келди. Агар сиз ҳам иримларга ишониб, совчиликка бормай қўйган бўлсангиз ёки шу ойнинг ўтиб кетишини кутиб, тўйни кечиктирган бўлсангиз, энди бу мутлақо бўлмаган гаплигини, шунчаки бир ирим эканини билиб олдингиз. Қўрқмасдан тўйни бошлайверинг, иримларга амал қилмаслигингизни намоиш қилиш учун ҳам ҳеч ким тўй қилмаётган мана шу ойда сиз тўй қилинг!

Аллоҳ таолодан барчаларимизни Ўзи тўғри йўлидан адаштирмаслигини сўраб қоламиз!

Умму Муҳаммад Билол тайёрлади.

ТУГМАЧАЛАР САЛТАНАТИ

Ўзимизнинг оддий тугмалардан болалар билан биргаликда турли-туман уйинчоқлар яшаш мумкин. Бу болалар учун ҳам қизиқарли бўлиб, уларнинг тасаввур оламини кенгайтиради ва ақлий жиҳатдан ривожлантиради. Биз тугмаларни унчалик аҳамиятли нарса деб билмаймиз. Баъзан унча эътиборга лойиқ бўлмаган одамлар ҳақида «ўзи тугмадек», деб қўйиш одат тусига кирган.

Аммо худди шу биз билган тугмачалар боланинг кичик моторикасини ривожлантиришда яхши аҳамият касб қилиши мумкин. Кичик моториканинг ривожланиши эса фарзандимизнинг нутқи тўғриланишига сабаб бўлади. Тугмадан кўп нарсалар тайёрлаш мумкин. Аввало тугмачаларнинг ранглари турли-туман. Мен фарзандимнинг олдига кўпгина тугмаларни қўйган эдим, у биринчи «оёқли» ва «оёқсиз»га ажратди. Сўнгра эса киришиб кетиб, «доира» ва «квадрат»га ажрата бошлади. Кейин эса ўртасидаги тешикчаларнинг иккита ва тўртталигига қараб ажратиб чиқди. Ва ниҳоят, аралаштириб ташланган тугмачаларни ранг-рангига бўлиб чиқди.

Албатта, бундай машғулотлар пайтида хавфсизлик техникасини ёддан чиқармаслик керак. Иложи бўлса, боланинг ёнига қўяётган тугмачалар сонини ўзингиз учун билиб қўйинг ва албатта, бундай машғулот пайтида катталар боланинг ёнида бўлиши лозим.

Хўш, тугмачалар яна қандай ўзгаришлар қилишга қодир?

Санаш жадвали

Бундай жадвални қилиш жуда осон. Бирор бир газламани 10 қисмга бўлиб, чоклаб чиқамиз. Сўнг эса ҳар бир бўлимга 1дан 10гача бўлган сонларни ёзиб чиқамиз ва ҳар бир сонга мос қилиб тугмача тикиб чиқамиз. Агар тугмачаларингиз ҳар хил шаклли бўлса, жадвал гўзал ва кўпроқ ёдда қоладиган бўлиб чиқади. Агар ундай бўлмаса ҳам ҳечқиси йўқ, жадвал чиройли чиқиши учун ўз фантазиянгни ишга солинг.

Алифбе ҳарфли ёстикча

Бу жадвалнинг сири осон. Оддий ёстик жилдини оламиз ва унга турли-туман газламалардан ҳарфлар кесиб, уларни тугмачалар ёрдамида жилдга тикиб чиқамиз. Хоҳласангиз, ёстикчага алифбе ҳарфларини ёзинг, хоҳласангиз, фарзандингизнинг исмини шу тарика ёзиб чиқишингиз мумкин. Ўйлашимча, бу ривожлантирувчи ёстикчани тикиш учун қандайдир бошқача истеъдод лозим эмас, игна-ипда ишлашни билсангиз бўлгани.

Тугмачалардан кўғирчоқлар ясаймиз

Тугма ва енгил сим ёрдамида ажойиб одамча ва ҳайвонлар яшаш мумкин. Қилаётган нарсангизга қараб, ҳар хил ўлчамдаги тугмаларни танлайсиз.

Яна тугма, елим ва лак ёрдамида турли-туман кулгили ҳайвонларнинг тумшукларини яасангиз бўлади. Агар бу ҳайвончаларга магнит ёпиштирсангиз, антика эсдалик совға ҳам бўлиши мумкин. «Вой, шу-я?!» дейсизми? Муҳими совға эмас, муҳими эътибор!

Апликациялар

Оддий тугманинг шунчалик эътиборга лойиқ томонлари бор экан. Яна тугмачалардан апликациялар, совғалар учун коплама, откриткалар ҳам яшаш мумкин. Ишонаверинг, бундай апликациялар ўзининг ранг-баранглиги билан кишининг эътиборини тартади.

Фарзандингизга газламадан китоб ясаб беришингиз мумкин. Масалан, китоб йил фасллари ҳақида бўлсин. Фаслларни тугмачалар тўплами билан акс эттириш мумкин.

Яна болаларга тугмачалар ёрдамида ерга «чизиш» ёқади. Бу жуда қизиқарли ва кутилмаган машғулотлар бўлиши турган гап.

Тугмалар билан мозаика куриш ҳам мумкин. Фақат аввалига бирор расмни катталаштирилган ҳолатда чиқариб олиш керак. Мана, фарзандингиз ва унинг ўртоқлари учун янги ўйин!

Агар тугмаларингиз кўп бўлса, болалар хонаси деворига улар ёрдамида машина ёки бошқа бир нарсанинг суратини «чизиш» ҳам мумкин. Хулласи калом, сизга тугмачалар салтанатидан гўзал санъат асарлари ва ёқимли кайфият билан қайтишингизни тилаймиз.

Муслималар форумидан олинди



АНБИЁЛАР ҚИССАСИ

3- نَصِيحَةُ إِبْرَاهِيمَ

4

Иброҳим бутларни синдиради

وَكَانَ إِبْرَاهِيمُ يَقُولُ لِوَالِدِهِ: يَا أَبِي! لِمَاذَا تَعْبُدُ هَذِهِ الْأَصْنَامَ؟ وَيَا أَبِي! لِمَاذَا تَسْجُدُ لِهَذِهِ الْأَصْنَامَ؟ وَيَا أَبِي! لِمَاذَا تَسْأَلُ هَذِهِ الْأَصْنَامَ؟ إِنَّ هَذِهِ الْأَصْنَامَ لَا تَتَكَلَّمُ وَلَا تَسْمَعُ! وَإِنَّ هَذِهِ الْأَصْنَامَ لَا تَنْضُرُ وَلَا تَنْفَعُ! وَلَا يَشْرَبُ وَلَا تَشْرَبُ! لَهَا الطَّعَامُ وَالشَّرَابُ؟ وَإِنَّ هَذِهِ الْأَصْنَامَ يَا أَبِي لَا تَأْكُلُ وَلَا تَشْرَبُ! وَكَانَ آزُرُ يَعْضَبُ وَلَا يَفْهَمُ. وَكَانَ إِبْرَاهِيمُ يَنْصَحُ لِقَوْمِهِ، وَكَانَ النَّاسُ يَعْضَبُونَ وَلَا يَفْهَمُونَ.

قَالَ إِبْرَاهِيمُ: أَنَا أَكْسِرُ الْأَصْنَامَ إِذَا ذَهَبَ النَّاسُ، وَحِينَئِذٍ يَفْهَمُ النَّاسُ.

3

Иброҳимнинг насиҳати

Иброҳим отасига айтар эди:

«Эй отажон! Нима учун бу бутларга ибодат қиласиз?»

Эй отажон! Нима учун бу бутларга сажда қиласиз?»

Эй отажоним! Нима учун бу бутлардан (ҳожатингизни) сўрайсиз? Бу бутлар гапирмайди ва эшитмайди-ку! Бу бутлар зарар ҳам, фойда ҳам бермайди-ку! Нима учун уларнинг олдига таом ва ичимлик қўясиз? Эй отажон! Бу бутлар емайди ҳам, ичмайди ҳам-ку!»

Бу гаплардан Озарнинг жаҳли чиқар, ҳеч нарсани тушунмас эди.

Иброҳим қавмига насиҳат қилар, кўпчилик одамлар унга ғазаб қилиб, гапларига кулоқ тутмас эди.

Бир куни Иброҳим ўзига ўзи: «Одамлар кетгандан сўнг бутларни синдираман. Шундагина улар тушунишади», деди.

4- إِبْرَاهِيمُ يَكْسِرُ الْأَصْنَامَ

وَجَاءَ يَوْمَ عِيدِ فَفَرِحَ النَّاسُ. وَفَرِحَ النَّاسُ لِلْعِيدِ وَفَرِحَ الْأَطْفَالُ. وَخَرَجَ وَالِدُ إِبْرَاهِيمَ وَقَالَ لِإِبْرَاهِيمَ: أَلَا تَخْرُجُ مَعَنَا؟ قَالَ إِبْرَاهِيمُ: أَنَا سَقِيمٌ!

وَذَهَبَ النَّاسُ وَبَقِيَ إِبْرَاهِيمُ فِي الْبَيْتِ. وَجَاءَ إِبْرَاهِيمُ إِلَى الْأَصْنَامِ، وَقَالَ لِلْأَصْنَامِ: أَلَا تَتَكَلَّمُونَ؟ أَلَا تَسْمَعُونَ؟ هَذَا طَعَامٌ وَشَرَابٌ! أَلَا تَأْكُلُونَ؟

أَلَا تَشْرَبُونَ؟ وَسَكَتَتِ الْأَصْنَامُ لِأَنَّهَا حِجَارَةٌ لَا تَنْطِقُ.

قَالَ إِبْرَاهِيمُ: (مَا لَكُمْ لَا تَنْطِقُونَ) [الصفات: 29].

وَسَكَتَتِ الْأَصْنَامُ وَمَا نَطَقَتْ. حِينَئِذٍ غَضِبَ إِبْرَاهِيمُ وَأَخَذَ الْفَأْسَ، وَضَرَبَ إِبْرَاهِيمُ الْأَصْنَامَ بِالْفَأْسِ وَكَسَرَ الْأَصْنَامَ. وَتَرَكَ إِبْرَاهِيمُ الصَّنَمَ الْأَكْبَرَ وَعَلَّقَ الْفَأْسَ فِي عُنُقِهِ.

Ҳайит куни келди. Одамлар хурсанд бўлдилар. Одамлар ҳам, болалар ҳам, Иброҳимнинг отаси ҳам ҳайитга чиқишди. Иброҳимнинг отаси Иброҳимга: «Биз билан чикмайсанми?» деди. Иброҳим: «Мен касалман», деди. Одамлар кетишди, Иброҳим эса уйда қолди. У бутларнинг олдига келди ва бутларга: «Гапирмайсизларми? Эшитмайсизларми? Бу таом ва ичимлик! Уни емайсизларми? Ичмайсизларми?» деди.

Бутлар жимгина сукут қилиб туришарди. Чунки улар тошдан ясалган бўлиб, гапирмас эди. Иброҳим: «Нима учун гапирмаяпсизлар?» деди. Бутлар гапирмасдан, яна жим туришди. Шунда Иброҳим ғазаб билан болтани олди-да, бутларни уриб, синдирди. Иброҳим катта бутни синдирмасдан, бутунлигича қолдирди ва болтани унинг бўйнига илиб қўйди.

5- مَنْ فَعَلَ هَذَا؟

وَرَجَعَ النَّاسُ وَدَخَلُوا فِي بَيْتِ الْأَصْنَامِ. وَأَرَادَ النَّاسُ أَنْ يَسْجُدُوا لِلْأَصْنَامِ لِأَنَّهُ يَوْمَ عِيدٍ. وَلَكِنْ تَعَجَّبَ النَّاسُ وَدَهَشُوا. وَتَأَسَّفَ النَّاسُ وَعَضِبُوا.

قَالُوا مَنْ فَعَلَ هَذَا يَا إِلَهِنَا! تَهَلِّمْنَا لِطَالِمِينَ (٩٥) قَالُوا سَمِعْنَا نَسِيحَةَ إِبْرَاهِيمَ الْكَلْبِيِّ قَالُوا فَأَتُوا بِهَذَا عَلَانًا لَعَلَّهُمْ يَشْهَدُونَ (١٦) قَالُوا أَنْتَ نَفَعْنَا لِهَذَا يَا إِلَهِنَا يَا إِبْرَاهِيمَ (٢٦) قَالُوا فَعَلْتُمْ كَيْبَرَهُمْ هَذَا فَأَسْأَلُوهُمْ إِن كَانُوا يَنْطِقُونَ (الأنبياء - ٣٦)

وَكَانَ النَّاسُ يَعْرِفُونَ أَنَّ الْأَصْنَامَ حِجَارَةٌ. وَكَانُوا يَعْرِفُونَ أَنَّ الْحِجَارَةَ لَا تَسْمَعُ وَلَا تَنْطِقُ. وَكَانُوا يَعْرِفُونَ أَنَّ الصَّنَمَ الْأَكْبَرَ أَيْضًا حَجَرٌ. وَأَنَّ الصَّنَمَ الْأَكْبَرَ لَا يَشْدُرُ أَنْ يَمْشِيَ وَيَتَحَرَّكُ. وَأَنَّ الصَّنَمَ الْأَكْبَرَ لَا يَشْدُرُ أَنْ يَكْسِرَ الْأَصْنَامَ. فَقَالُوا لِإِبْرَاهِيمَ: أَنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ الْأَصْنَامَ لَا تَنْطِقُ.

قَالَ إِبْرَاهِيمُ: فَكَيْفَ تَعْبُدُونَ الْأَصْنَامَ وَإِنَّهَا لَا تَنْضُرُ وَلَا تَنْفَعُ؟ وَكَيْفَ تَسْأَلُونَ الْأَصْنَامَ وَإِنَّهَا لَا تَنْطِقُ وَلَا تَسْمَعُ؟ أَلَا تَفْهَمُونَ شَيْئًا، أَفَلَا تَعْقِلُونَ؟ وَسَكَتَ النَّاسُ وَحَجَلُوا!

5

Бу кимнинг иши?

Одамлар қайтиб келиб, бутлар сақланадиган уйга киришди. Ҳайит куни бўлгани учун улар бутларга сажда қилмоқчи эдилар. Лекин кирдилар-у, таажжуб ва даҳшатга тушишди. Улар бутларга ачиниб, ғазабландилар.

«Улар: «Илоҳларимизга ким бундай қилди?! Албатта, у золимлардандир!» дедилар.

Улар: «Уларни тилга олаётган бир йигитни эшитган эдик, у Иброҳим деб аталарди», дедилар.

Улар: «Уни одамларнинг кўзлари олдига олиб келинглар. Шоядки, гувоҳ бўлсалар», дедилар.

Улар: «Илоҳларимизга буни сен қилдингми, эй Иброҳим?!» дедилар.

У: «Йўқ, буни манави, уларнинг каттаси қилди. Агар гапирадиган бўлсалар, улардан сўраб кўринглар», деди»

(Анбиё сураси, 59-63-оятлар)

Албатта, одамлар бутларнинг тошдан эканини билишарди. Яна тошнинг эшитмаслигини ҳам, сўзламаслигини ҳам билишарди. Ва бутларнинг каттаси тошдан эканини ҳам билишарди. Бу бут юришга ҳам, бирор ҳаракат қилишга ҳам қодир эмас эди. Албатта, бу бут бошқа бутларни синдиришга ҳам қодир эмас эди. Иброҳимга: «Сен биласанки, бутлар гапирмайди», дейишган эди, Иброҳим: «Бутлар зарар ҳам, фойда ҳам бермаса, қандай қилиб уларга ибодат қилаяпсизлар? Қандай қилиб бутлардан сўраяпсизлар? Ахир улар гапирмайди ҳам, эшитмайди ҳам-ку? Бирор нарсани англамаяпсизларми? Ақл юритмайсизларми?» деди. Одамлар ҳижолат чекиб, жим бўлиб қолдилар.

arabic.uz сайтидан олинди

Поклик оғоби

«Азизларим, билинги, сиз билан бизнинг фахримиз боиси бўлмиш покликимизнинг асли Роббимизнинг пок китоби Қуръондан ва Пайгамбаримизнинг пок Суннатлари – ҳадисдандир. Бу эса сиз билан бизнинг покликка амал қилишимиз илоҳий таълимот асосида эканини билдиради».

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Мўминлар Аллоҳ буюргандек, кунига беш маҳал намоз ўқийдилар, ибодат қиладилар. Ушбу беш вақт намоз учун ҳар жиҳатдан покланиш лозим. Беш маҳал намоз учун беш маҳал таҳорат қиладиган кишида ҳеч қандай кирлик қолмаслиги кундек равшан. Исломда ибодат учун кийиладиган кийимларга, намоз ўқиладиган жойга кўйиладиган шартларнинг энг аввалгиси ҳам покликдир:

кийим пок бўлиши, аврат жойларни беркитиши лозим; намоз ўқиладиган жой ҳам тоза, нажосатдан холи бўлиши керак. Рўза ибодати эса ички аъзоларни ўзига хос поклашдан, бир йил давомида қийналган ошқозон ва бошқа аъзоларга дам бериш, тозалашдан иборатдир.

Аллоҳтаоло Қуръони Каримда пок инсонларни хуш кўришини айтган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса «Поклик иймондандир», дея марҳамат қилганлар. Бизнинг динимизда таҳоратда қўл ва оёқ бармоқларини ишқалаб ювишга ҳамда таомдан кейин тишларни тозалаб ювишга чақирилган. Сочни парваришлаб, тоза ва тартибли тутиш ҳақида ҳам буйруқлар бор. Гўзал динимизда ҳатто халога қайси оёқ билан кириб, қай бири билан чиқишгача таълим берилган.

Ҳадисларда келишича, ҳожатга киришдан аввал ушбу дуо ўқилади.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам халога кирмоқчи бўлсалар: «Аллоҳумма инний аъзубика минал хубуси вал хабаиси», дер эдилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим, албатта мен Сендан эркак ва урғочи ифлослар (шайтонлар)дан паноҳ тилайман».

Демак, бизнинг динимизда ҳожатхонага киришнинг ҳам ўзига хос тартиблари бор. Ҳожат ушатишда қиблага қараб ёки унга орқа ўгириб ўтирилмайди. У ерда оғиз-бурунни беркитиб, тоза жойга назар солиб ўтирилади. Ҳожатхонада гапириш, бирор нарса ўқиш, у ерга бошланг, оёқ кийимсиз кириш ҳам одобдан эмас. Ер ёриқларига, жониворлар уйига, дарахт остига, сув ёқасига, ахлатхонага ва қабристонларга ҳожат ушатиш динимизда ман қилинган. Ҳожат қилинганидан кейин турли битикли қоғозларни, ярқли мато ва тоза пахтани ишлатиш, тош ва суяклардан фойдаланиш жоиз эмас. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳожатдан сўнг тозаланаётганда ва бурун қоққанда фақат чап қўлни ишлатиш керак.

Ошша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам халодан чиққанларида «Ғуфронака», дер эдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Демак Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатдан чиққанларида «Ғуфронака» – «Сенинг мағфиратингни сўрайман», дер эканлар.

Яна у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Алҳамду лиллаҳиллазий азҳаба ʻаннил аза ва ʻафаний» – «Мендан азиятларни кетказиб, офиятда қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин», деб айтар эдилар.

Муяссар тайёрлади.



Эътиқодингизга кўра яшамаётган бўлсангиз, яшаётганингиз каби эътиқод қила бошлайсиз.

Умар ибн Хаттоб

Ҳақиқат шариатдан ташқари эмас, балки шариат билимлар, ҳолатлар, азму қарорлар, ниятлар ва бошқа қалб амаллари ёрдамида қалбларни ислоҳ қилиш билан тўлиб-тошган. Ташқи амалларга тегишли ҳукмларни билиш шариатнинг кўп қисмини билишдир. Ички амалларга тегишли аҳкомларни билиш эса шариатнинг нозик жиҳатини билишдир. Ушбу ҳукмларнинг бирон қисмини кофир ёки фожирдан бошқа ҳеч ким инкор этмайди.

Изз ибн Абдуссалом

Ёмон фикр соҳиблари ҳам, куфрони неъмат қилувчилар ҳам ёввойи қобонлар мисоли, Аллоҳ таолонинг мағфиратидан йироқдирлар.

Абулқосим Замахшарий

Сахийлик – бу инсоннинг саховат кўрсатиб, кейин бу ҳақда унутишидир.

Мажидиддин Хавофий

Тоғ тепасидаги қояларни кўчириш миннат эшитиш юкларига нисбатан енгилроқдир.

Абул Қосим аз-Замахшарий

Ризку рўзинг кўп бўлсин десанг, кўп садақа қил.

Али ибн Абу Толиб

Али ибн Хусайн кечаси нонтўрвасини кўтариб чиқиб, одамларга садақа берарди ва: «Махфий садақа Парвардигорнинг ғазабини сўндиради», дерди.

Абу Ҳамза Сумолий

Фазилат аҳлини ҳаддидан оширмасдан ҳурмат қилиш мустаҳабдир. Бирор кишини бойлигидан умид қилиб, бой бўлгани учун ҳурмат қилиш жоиз эмас.

Абу Лайс Самарқандий

Тожирлик-зиқналик қилманглар, акс ҳолда сизларга торлик қилинади.

Ҳасан Басрий

Мансаб, бойлик ғамига тўлиб-тошса дил, Фақир, нотавонларга хизматда бўлгил.

Мирзо Бедил

Меҳмон кирмаган уйга фаришталар ҳам кирмайди.

Анас ибн Молик

Кимки ўлимни кўп эласа, уч нарсада улуғ бўлади: тавбани тез қилишда, ризқига қаноат қилишда, ибодатда ғайратли бўлишда. Энди кимки ўлимни эсдан чиқарса, уч нарсада орқада қолади: тавбасини орқага суради, кун кўришга етарли нарсага рози бўлмайди, ибодатларида ялқовлик қилади.

Ҳаким Ҳомид Лифофий

Фалак – жуфт сокка, олам тахтасидир, ажал ўйнайди – бизлар донаи хом.

Абу Али ибн Сино

Тани тупроқда-ю, дил бўлса уйғоқ,
Тирик мурда дилдан ўша яхшироқ.

Саъдий Шерозий

Аллоҳ таоло фаҳм-фаросат бергани, ғафлат уйқусидан уйғотгани, бу дунёдан ўтиб, охиратини ўйлайдиган қилиб кўйгани нақадар яхши!

Абу Лайс Самарқандий

Сўзнинг ёмони амал қилинмай, бекор кетганидир.

Абу Али ибн Сино

Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди.

Абу Райхон Беруний

Шоҳлар ҳавосига хилоф бўлса, ҳеч
Рост гапни ҳам айтма, бу ҳавасдан кеч.

Саъдий Шерозий

Хўрозни кўрмайсанми, бемавриду беҳангом қичқирди-ю, субҳи шомга айланди.

Ибн Камолпошшо

Ҳақиқатда ҳам сўзнинг лаззати уни гапиришда эмас, балки эшитишдадир.

Абулбаракот Қодирий

Назокат тайёрлади.

ТАНГА ДАВО – ЛАВЛАГИ

Биз яшаётган жаннатмакон ўзбек юртининг аксарият аёллари, тан олишимиз керак, она юртимизда етиштирилган Аллоҳнинг неъматларига беписандлик билан қараймиз. Оддийгина, арзон, ниҳоятда шифобахш ва кундалик бозорларимиздан исталган пайтда топиш мумкин бўлган неъматларни қўйиб, папайя, банан, апельсин, мандарин, кокос каби қимматбаҳо меваларни, уларнинг келиб чиқиши, қай тарзда сақланишини билиб-билмасдан, аниқламасдан сотиб олиб, фарзандларимизга едирамиз. Ҳолбуки, инсон ҳар қандай дардга шифони аввало ўз юртида ўсиб-етилган неъматлардан кидириши лозим. Аҳамият берган бўлсангиз, мана шу рукнимизда она юртимизда етиштириладиган мева, сабзавот ва доривор ўсимликлар ҳақида сўз юритиб келаямиз. Сиз ҳам отабуваларимиздан мерос бўлиб келган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида маълумотлар, шифобахш ўсимликлардан тайёрланадиган дамламалар, уларнинг фойдали хусусиятлари борасида билганларингизни бизга ёзиб юборсангиз, уларни сайтимиз саҳифасида эълон қиламиз ва улар кўпчиликка шифо бўлса ажаб эмас.

Бугунги саҳифамиз «қахрамони» – қизил лавлаги. Унинг шифобахш хусусиятлари жуда ҳам кўп. Қизил лавлагидан асосан организмнинг касалликларга қарши курашиш хусусиятини (иммунитетни) ошириш, қон босимини тушириш ҳамда Алцгеймер (ортирилган ақли заифлик) касаллигининг олдини олишда кенг фойдаланилади. Бир стакан лавлаги шарбати қон босимини бир неча соатга тушириши кузатилган. Бунга унинг таркибидаги нитратлар ёрдам беради. Нитратлар организмда азот оксидига айланади ва томирларни кенгайтиради. Бундан ташқари, азот оксиди бош миядаги қон айланишини яхшилаб, хотира заифлашишининг олдини олади. Шарбат таркибидаги фоллий кислотаси организмда модда алмашинувининг яхшиланишига олиб келади. Спортчиларда тажриба қилинганда, ярим литр лавлаги шарбатидан ичгач, жисмоний машқларни бажариш сурати 16 фоизга ошганлиги кузатилган. Қизил лавлаги ва сабзи шарбатининг аралашмасини доимо ичиб юриш камқонлик, юрак-қон томир касалликлари, атеросклероз, фибромиома ва бошқа онкологик касалликларнинг олдини олишда яхши натижа беради.

Раъно Тожибой қизи тайёрлади.

МУСЛИМА УЎ БЕКАЛАРИГА

ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК!

Маълумки, тежамкорлик, исрофга йўл қўймаслик муслима хонимнинг мақталган сифатларидан биридир. Бу билан хонадонлардан файзу барака аримаслиги ҳам рост гап. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ҳар қандай катта иш ҳам кичик қадамлардан бошланади. Рўзғордаги ҳар бир нарсага эътиборли бўлиш уй бекасининг зиммасидаги масъулиятдир. Бугунги мақоламизда бу борада ҳаётий тажрибалардан баъзи тавсияларни келтириб ўтамиз.

Аввало озиқ-овқат масаласидан бошлайлик. Албатта, пулни тежаш оз овқат ейиш билан бўлмайди. Оқила уй бекаси ўз зехнини ишга солиб, рўзғордан анчагина нарсани тежаб қўйиши мумкин.

- Тузлама, шарбат, қиём, умуман, ёзда қиш мавсуми учун тайёрлаш мумкин бўлган ҳамма нарсани ўзингиз тайёрланг. Одатий тузламалардан ташқари, меваларни, хаттоки кўкатларни ҳам қуритиб олиб қўйишингиз, резавор мева(кулупнай, малина, гилос каби)ларни эса музлатгичда музлатиб қўйишингиз мумкин. Бу биринчи навбатда қишда сизга анчагина роҳат бағишласа, бошқа тарафдан кўпгина харажатлардан сизни озод қилади.

- Ярим тайёр маҳсулотлардан иложи борича узоқ юринг. Бу ҳам оилангиз саломатлиги учун ҳам, чўнтагингиз учун ҳам кони фойда. Агар ишласангиз, буларни дам олиш кунлари 2 соат вақт ажратиб тайёрлаб қўйишингиз мумкин. Чучвара, котлет, дўлма, сомса кабилар шулар жумласидандир.

- Имкон бўлса, ишхонада қиладиган тушлигингиз ва болаларнинг ўқишидаги тушлиги учун овқатни уйда тайёрланг. Бу пулингизни анчагина тежайди.

- Кеча ортиб қолган овқатни ташлаб юборишга шошилманг. Улардан иккинчи марта ҳам мазали таом тайёрлаш мумкин. Мисол учун, бўтқа(каша)дан мазали оладьелар, макарон, картошка ёки товукдан запеканка, пирог ёки пиццалар тайёрласа бўлади. Бу ёғи сизнинг фантазиянгизга боғлиқ.

Харидлар. Дўкон айланиш кўпчилигимиз учун завқли машғулот. Лекин бу борада ҳам пулни тежашнинг бир талай усуллари бор.

- Дўконгасотиболадиган нарсаларингизнинг

номлари ёзилган рўйхатсиз чикманг. Ортиқча нарсалар учун эса камроқ пул қўшиб олинг.

- Ойлик олган кунингиз харид қилманг. Психологларнинг таъкидлашича, ойлик олган одам ўзини бойдек ҳис қилади ва дўкондан зарур бўлмаган нарсаларни ҳам сотиб олаверади.

- Оч қоринга харид қилманг, бу сизга қимматга тушиши тайин.

- Одатдахаридқиладиган дўконларингиздаги арзонлаштирилган нархларга эътибор бериб юринг.

- Озиқ-овқатларни имкон бўлса, иш кунлари эрталаб харид қилинг. Бу вақтларда нархлар арзон, одам кам, маҳсулотлар янги бўлади.

- Дўконлардан олинган чекларни бир жойда сақлаб қўйсангиз, бир ойда нимага қанча харажат қилганингизни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш имконига эга бўласиз.

Шунингдек:

- Байрамларда совға-саломлар беришни ҳаммамиз яхши кўрамиз. Лекин байрам куни йўл-йўлакай олинган совға қимматга тушади. Биринчидан, байрам кунлари нархлар қимматлашади, иккинчидан, шошилгандан одам кўзига чиройли кўринган нарсани нархига ҳам эътибор бермай олавериши мумкин. Шунинг учун байрам совғалари ҳақида анча аввалроқ қайғуриб қўйинг.

- Электр жиҳозларидан ҳам ўрнида фойдалансангиз, харажатларингизни камайтиришингиз мумкин. Бунинг учун оддий лампаларни тежайдиган лампаларга алмаштириш керак. Бу орқали ўртача 800 квт/соат қувватни тежаш мумкин экан;

- * Ишлатилмаётган электр жиҳозларини токдан ажратиб қўйинг. Мисол учун, компьютер, ДВД, телевизор, микротўлқинли печ, заряд воситаси каби жиҳозларни кераксиз вақтда токдан суғуриб қўйиш билан 200 квт/соат қувватни тежаш мумкин.

- * Агар яна ҳам кўпроқ тежашни истасангиз, уй жиҳозлари сотиб олаётганингизда, энергия сарфлаш хусусиятига эътибор беринг, А ва Б классдаги жиҳозлар энг кам электр энергия сарфлайдиган жиҳозлар ҳисобланади.

Турли ҳаётий тажрибалардан тўпланган ушбу тавсиялар рўзғорингизда асқотади, деб умид қиламиз. Тежашнинг яна бошқа усуллари йўлаб топиш эса ўзингизга ҳавола.

Зарнигор тайёрлади.



АСАЛНИНГ ПАРДОЗДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Аллоҳ таоло кичкинагина асаларининг асалини жуда кўплаб озиқлантирувчи моддаларга бой манба сифатида инсонларга ажойиб неъмат қилиб берган. Халкимиз қадим-қадимдан асални минг дардга даво неъмат дея қадрлаб келади. Ҳақиқатан ҳам дунё ҳакимлари асалнинг саломатлик учун фойдали хусусиятлари ҳақида кўп маълумотлар қолдиришган. Асал ва унинг даволовчи хусусиятлари ҳақида кўплаб гапириш мумкин.

Биз ушбу мақолада асалдан юз терисини озиқлантирувчи восита сифатида қандай фойдаланиш борасидаги, унинг қандай фойдали хусусиятлари борлиги ҳақидаги маълумотларга диққатингизни қаратмоқчимиз.

Биринчидан, асал ўзининг ажойиб хусусиятлари орқали теридаги майда тешикчалардан чуқур кириб, терини озиқлантиради, намликнинг йўқолишига тўсқинлик қилади ва шу қаторда юз терисига тиниқлик ва юмшоқлик беради. Маълумки, яхши юмшатирилган тери – бу эрта қаришнинг олдини оловчи асосий омиллардан биридир.

Иккинчидан, асал юз териси учун тайёрланадиган ниқобларда жуда кўп ишлатилади. Бунга сабаб, у теридаги ҳар қандай кичик кирларни ўзига синдириб оловчи хусусиятга эгадир.

Учинчидан, асал терини тортувчи, уни фойдали моддалар билан бойитувчи ва касалланишининг олдини оловчи хусусиятларга эга. Асалли косметикадан турли хилдаги териларни озиқлантиришда фойдаланиш мумкин. Мисол учун, асал курук терини шўрлашдан халос қилиб, уни жуда яхши озиқлантиради ва юмшатади. Шунингдек, асал ёғли юз терисини таранглаштиради.

Шуни ҳам яхши билиб олиш керакки, асал баъзида аллергия кўзғатиши ҳам мумкин. Шунинг учун уни ишлатишдан олдин биринчи бўлиб қўлнинг ич тарафига озгина суртиб кўринг. 10-15 дақиқа турганидан кейин, терингизда ҳеч қандай ўзгаришлар, масалан, қизариш, кичишиш ва бошқалар содир бўлмаса, уни юз учун ҳам ишлатиш мумкин.

Асал косметик воситаларда аралашмаларсиз, ёлғиз ўзи табиий ҳолатда ишлатилмайди. Ундан бошқа воситалар билан аралашма ҳолида фойдаланилади.

Сизнинг эътиборингизга уй шароитида тайёрланиши ва қўлланилиши жуда осон бўлган юз терисига мўлжалланган бир нечта ниқобларни ҳавола қиламиз.

Ўта курук ва шўрлаган терилар учун асалли озиқлантирувчи ниқоб

Бир ош қошиқ асални икки ош қошиқ зайтун ёғи билан аралаштирамиз. Тайёр бўтқани бир неча дақиқага иссиқ сувли ваннага илигунича қўямиз ва илиқ бўтқани юзга суртамиз. 10-15 дақиқадан сўнг юзни илиқ сувда бармоқ учлари билан аста уқалаб ювамиз.

Бу рецепт юмшоқ терилар учун ҳам тўғри келади.

Курук, ўртача ва аралаш терилар учун озиқлантирувчи ва терининг рангини тиниқлаштирувчи асалли ниқоб

Бир дона тухум сариғига бир чой қошиқ асал, бир стакан сабзи шарбати (сувнинг ўрнига бир ош қошиқ қирғичдан ўтказилган сабзи) билан аралаштирамиз. Уни юзга суртиб, 15 дақиқадан сўнг хона ҳароратидаги сув билан ювиб ташлаймиз.

Шунингдек, аралаш бўлган, лекин ёғлироққа яқин тери учун сабзи суви ёки бўтқаси ўрнига нордон мевалар суви ва бўтқаларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, олча, нордон олма, анор, цитрус мевалар, узум, клюква ва четан (рябина) ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Юз терисини тозалайдиган, намлантирадиган, шунингдек, ёғли юз териси ялтирашининг олдини оладиган асалли ниқоб

Ярим ош қошиқ асал, икки ош қошиқ суюқ қилиб дамланиб, совутилган кўк чой ва икки ош қошиқ лимон сувини яхшилаб аралаштириб, юзга суртилади. 12-15 дақиқадан сўнг совуқроқ сувда ювиш кифоя.

Дағал терилар учун асалли ниқоб

Ярим ош қошиқ асал, икки ош қошиқ олхўри ёки нок бўтқаси, бир ош қошиқ алоэ суви (узиб олиниб, икки ҳафта музлаткичда сақланган алоэ барглари яна ҳам фойдали) ва икки чой қошиқ ўсимлик ёғи, мисол учун, зайтун ёғи аралаштирилади. Сўнгра уни юзга суртиб, 15 дақиқадан сўнг аввал илиқ сувда, сўнгра совуқ сувда ювиб ташланг.

Ажинлар тушишининг олдини оловчи асалли ниқоб

Бир чой қошиқ асални бир ош қошиқ тирноқгул дамламаси ёки бир ош қошиқ алоэ суви билан яхшилаб аралаштиринг. Тайёр бўлган аралашмани юздаги ҳар бир ажинга оҳиста суртиб, 30 дақиқага қолдириг. Сўнг юзни намланган пахта билан тозалаб ташланг.

Назокат тайёрлади.

Ибратли ҳикоя

Тарихда бўлиб ўтган воқеалар билан танишар эканмиз, баъзи ҳодисалардан даҳшатга тушамиз. Лекин диққат билан назар солсак, бугунги кунимизда ҳам шунга ўхшаш ибрат бўладиган воқеалар жуда кўп. Шаҳримиз имомларидан бири ҳикоя қилади:

«Ҳар доимгидек, пешин намозини ўз вақтида ўқиб бўлгач, жаноза намозини ўқишга тайёргарлик кўрилди. Маййит менга яқин инсонлардан бирининг фарзанди бўлгани сабабли уни кўмиш маросимида ҳам қатнашдим. Маййитни қабр тепасига олиб келишди. Шу пайт гўрков мени бир четга чақириб қолди. «Мен сизга бир нарса айтаман, фақат бунинг маййитнинг отасига айтмайсиз». У шундай деди-ю, мени пастга, лаҳад ичига тушишга таклиф этди.

Ўлик қўйиладиган хилхонага тушдим, у ерда иккита каттакон илон ўрмалаб юрарди. Шунда гап нима ҳақида кетаётганини англадим-у, юқорига чиқдим. Ўликнинг отасини бир четга чақириб, маййитни қабрга ўзим қўйишимни билдирдим. Боласининг вафотидан ҳали ўзига келмаган ота гап нимадалигини суриштирмасданок, дарҳол рози бўлди. Қабр ичига тушдим ва илонларга қарата шундай дедим:

«Биламан, сизлар Аллоҳ таолонинг амри билан келгансиз, биламан, сиз ҳозир маййитни азоблайсиз, биламан, бунга ҳеч ким ҳеч қачон тўсқинлик қила олмайди ва яна шуни биламанки, сиз Аллоҳ номини ўртага қўйиб сўрайдиган нарсага қаршилик қилмайсиз. Мен ҳозир маййитни қабрга қўймоқчиман, уни ерга қўйганимдан сўнг нима қилсангиз, ўзингиз биласиз. Лекин илтимос, қўйиб олгунимча бу ерни бўшатиб турсангиз».

Шундан сўнг ажиб ҳодиса юз берди. Илонлар ҳозиргача менинг кўзим илғамаган оёғимнинг ёнидаги бир тешикка кира бошлашди. Оёғимни сал нарироққа олиб турмоқчи эдим, кутилмаганда тешикка бутунлай кириб улгурмаган иккинчи илоннинг думи оёқ кийимимга тегиб кетди.

Даҳшат! Гарчи озгина силаб қўйган бўлса ҳам, у илоннинг думи бутун баданимни зирқиратиб юборди. Бир оз туриб қолдим, чунки оёғим бирданига музлаб қолган, жойидан қўзғалмас эди. Субҳаналлоҳ! Азоб берувчи махлуқотларнинг силаб ўтиб кетгани шу бўлса, бироздан сўнг қабрга қўйиладиган йигитнинг

аҳволи нима бўлади?! Хаёлимга келган фикрдан сесканиб кетдим. Оёғимни бир амаллаб кўтариб, ташқарига чиқдим ва ўликнинг ёнига келдим. Кўзимнинг ёшини отадан ва оёғим оғриётганини тўпланганлардан яширишга уриндим. Ҳозиргина қабр ичида даҳшатли оғриқни тортиб чиқиб, яна у ерга қайтиб тушиш мен учун азоб эди. Аммо маййитнинг отасига ваъда қилиб қўйганим боис, ноилоҳ ўликни қабрга қўйиб чиқдим. Чикаётганимда юрак бетлаб, қабр ичига бир қарадим. Не кўз билан кўрайки, илон шаклида келган азоб фаришталари бирпасда ўз жойларини эгаллашга улгуришган эди. Ўттиз беш ёшли йигитни кўмдик. Кейин унинг танишларидан бир амаллаб суриштириб билдим. Маълум бўлишича, йигит тириклик чоғида одамларни алдаб, пуллари талон-тарож қилишни касб қилиб олган экан».

Ҳикояни тинглаганимдан сўнг икки масалага тўлиқ жавоб олгандек бўлдим. Қабр азоби ҳақида ихтилофларга бориб юрганлар «эски» китоблардан эмас, балки бугунги кундан ҳам ўзларига етарли сабоқ олишлари мумкин. Шунингдек, ҳаётлик чоғида одамларни алдаб, турли йўллар билан ҳаром мол тўплаётганлар ўзларининг қабрдаги ҳолатларини бир тасаввур қилиб кўришсин. Зеро, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳам қиёмат, охират ва дўзах ҳақида сўз борганда кўзларига ёш олмай, қабр азоби ҳақида гап очилганда соқоллари ҳўл бўлгунча йиғлаган эканлар. У зотдан бунинг сабаби ҳақида сўралганда, жавоб қуйидагича бўлган экан: «Инсон дўзахга тушганида дўзах азобига бир ўзи йўликмайди. Инсон қиёмат куни маҳшаргоҳга борганида бир ўзи қолмайди, ёнида одамлар бўлади. Аммо қабрда ҳамма алоҳида-алоҳида, ёлғиз ётади. Мен шуни ўйласам, чидай олмайман».

Ушбу ҳикоялардан ўзимизга етарли сабоқ олайлик. Аллоҳ таоло ҳар биримизни қабримизни нурга тўлдирадиган амалларга қодир айласин.

Муяссар тайёрлади